Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ✱ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✱ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 2 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 83 (6780)

Даъват

Шубҳа йўқ,
илмдан
Тирикдир инсон.
Машаққат,
меҳнатни
Енгади осон.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Ибрат

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда туман ҳокимининг қарорига кўра 156-ўрта мактабда махсус жисмоний тайёргарлик ва миллий зобитликка тайёрловчи синф очилди.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Илгари хабар қилинганидек, 28 октябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, бир қанча вазирлик, республика идора ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Республика Президенти Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлаб, Сирдарё вилоятидаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятни теран таҳлил қилди. Мавжуд имкониятларга қарамай, халқ хўжалигининг кўп соҳаларида қолоқликка йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тинчлик шароитида ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт дастурларимизни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар барчангизга маълум, деди Президент. Ютуқларимизни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Лекин бугунги ҳаётимизни ислоҳ этишда, биз, аввало, фойдаланилмаётган имкониятлар, ишга солинмаган омиллар, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, тараққиётимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳақида кўпроқ гапиришимиз, уларни бартараф этиб, керакли сабоқлар чиқаришимиз лозим.

Шу маънода Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида катта ўрин тутади. Бу воҳа улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, бой деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг улкан тажрибасига эга.

Узбекистонда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб берувчи Сирдарё ГРЭСи, Гулистон ёг-экстрат заводи, қурилиш ашёлари корхоналари, пахта тозалаш заводлари ва бошқа бир қанча саноат корхоналари борки, улар мамлакат иқтисодий ривожини таъминлашда вилоят муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Бу йил Мирзачўлни ўзлаштиришнинг 40 йиллиги нишонланди. Қирқ йил тарих учун ҳеч нарса эмас. Бироқ инсон куч-қудрати, ақл-идроки, яратувчилик салоҳияти тарихда абадий ном қолдириши мумкинлигини кўрсатиш учун етарли муддат. Буни мана шу табаррук заминда меҳнаткаш халқ, фидойи инсонлар амалга оширган ишлар мисолида кўриш мумкин.

Шу заминда меҳнат фаолиятини бошлаган, деҳқончилик тажрибаларини бойитган, қуруқ ернинг ўзига хос деҳқончилик мактабини вужудга келтирган номдор кишилар воҳа шон-шавкатини кўтаришган, ўзбек деҳқонининг тадбиркорлигини, беқиёс куч-қудратини намойиш этишган. Лекин бугунги вазият сизлар билан юзма-юз туриб, бу ерда бўлаётган ишлар, ривожланишга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, ҳаётимизга халақит бераётган нуқсонлар ҳақида очиқ-ойдин фикрлашиб, зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда, деди Ислом Каримов.

Қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик соҳаси муаммолари ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар қунгилдагидек эмас! Тармоқда туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши талабга жавоб бермайди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари сурункасига бажарилмаяпти. Энди бу масалага жиддийроқ қараш, уни ҳар томонлама таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш пайти келди.

Пахтачилик соҳасида вилоятда 1992 йилдан буён режалар бажарилмаяпти. Кейинги 3 йилда 213 минг тонна пахта кам етиштирилди. Ёки бошқача қилиб айтганда, охирги уч йилда салкам бир йиллик пахта етказиб берилмади. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Меҳнатга муносабатнинг ёмонлиги, иш тўғри ташкил этилмагани, бошқарув тизимининг қониқарсизлиги, ташаббус йўқлиги бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Юртбошимиз вилоятнинг ўрта ва қуйи раҳбар ходимлари кўпинча ўз шахсий ташвишлари ва шахсий манфаатларини ўйлашдан нари ўтмаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Табиийки, нега аҳвол шу даражага бориб етди?, деган савол туғилади. Бунга жавоб битта: сабаб вилоятнинг энг юқори мартабали раҳбарларининг ташкилотчилик савияси пастлигида, қўл остида ишлаётган раҳбарларни бошқариш, уларнинг бошини қовуштиришда заифлик қилаётгани, бепарволик ва масъулиятсизлигида деб биламан, деди давлатимиз раҳбари.

Ишга ана шундай ёндашувнинг сабаби уларок, Мирзаобод, Меҳнатобод, Сирдарё, Ш. Рашидов туманлари республикада энг қолоқ ўринларга тушиб қолди. Бу ерларда ҳокимлик курсисида, хўжалик раҳбарлигида ўтирганлар нима билан шуғулланишяпти? Халқ ва давлат ишончи, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулият қани?

Ёки пахта йиғим-терими мавсуми якунланаётган айни шу кунларда Мирзаобод туманидаги Дўстлик, Тошкент, Беруний, Улуғбек номли хўжаликлар, Меҳнатобод туманидаги А. Тоиров номли, Ш. Рашидов туманидаги Бўстон, Темур Малик номли, Сайхунобод туманидаги «Янгиобод» хўжаликлари эндигина йиллик топшириқнинг атиги 15-20 фоизини бажарганини қандай тушуниш мумкин? Шароф Рашидов тумани ҳокими И. Ибодуллаев ўтган йилги камчиликлардан тўғри хулоса чиқара олмади. У раҳбарлик қилаётган энг йирик ту-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идораларо ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари деб белгилансин:

— миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Узбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

— Узбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилинишни юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— Узбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

— инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Узбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ўринбосари бу лавозимга Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти молиявий жиҳатдан республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун ҳаражатлар моддаси бўйича ажратиладиган маблағдан, шунингдек, турли хайрия бадаллари ҳисобидан таъминланади.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази бўшаб қолган маблағни марказнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфлаш шарти билан беш йилгача солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан озод қилинсин.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясининг материаллари, Узбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий марказига ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Узбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналини нашр этишга рухсат берилсин.

8. Узбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий марказининг суровига мувофиқ республикада инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, амалга ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этсинлар.

9. Узбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий марказига халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатсинлар.

10. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 31 октябрь.

Мунасабат

ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Юртбошимиз Жиззах вилоят кенгашининг сессиясида «Ислоҳот — энг аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Токи бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, қалбига етказмас эканмиз — туб ўзгаришларга эриша олмаймиз», дея ислоҳотларнинг муваффақиятли ривожи учун зарур бўлган асосий омилни очиб берди. Ҳақиқатан ҳам тафаккурдаги эскича қараш ислоҳот йўлига тўсиқ бўлади. Бу тўсиқ одамларнинг тушунмаслиги эмас, балки уларнинг тушунишлари учун муҳит яратилмаганлиги, аниқроғи маҳаллий етакчиларнинг, раҳбарларнинг ўзи шахсий ибрат кўрсатмаётганидир. Хўш эскичасига ишлаш нима ўзи? Бу саволга юртбошимиз аввал Жиззах, кейин Сирдарё вилоят кенгаши сессияларида тўла жавоб берди. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларидаги нуқсон ва камчиликларга тўхталди, сабабини тушунтирди. Хусусан, ғалла топширишнинг паст даражадалигига тўхталиб: «Менимча, бунинг сабаби, авваламбор, боқимандаликда, ўзи-бўларчиликда, эртанги кунни ўйламай, ишни пала-партиш ташкил қилишда», — деди. Дарҳақиқат, эскича ишлаш—юртни, халқни ўйламай, фақат ўз қорни, жиғилдони ҳақида қайғуришда.

Халқнинг, давлатнинг эртанги кунини қандай раҳбар ўйлайди? «Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, тажрибали, аввал халқни, Ватаннинг равнақини ўйлайдиган инсонлар бошчилик қилмас экан, вилоятда тартиб ҳам бўлмайди, иш ҳам юришмайди», — деди юртбошимиз.

Жамиятдаги бундай камчиликлар қандай вужудга келади? Бу борада Узбекистон Президенти ибратли хулоса ясади: «Умуман олганда салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади».

Маънавий қашшоқлик, маърифий кемтикликни бартараф этиш — барчанинг иши. Бироқ бу ишларга эътибор берадиган, таъбир жоиз бўлса, бошқарадиган, жамиятда маънавий камолот учун шароит — муҳит яратадиган, шахсий ибрат кўрсатиши лозим бўлган асосий масъуллар бор. Бу борада юртбошимиз Ислом Каримовнинг шахсий ибратлари ва халқнинг маънавий камолоти учун қўйғуришларидан ўрнак олган киши фақат тараққиётга хизмат қилади. Зеро, «Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин».

Бу борада халқ таълимига юкланган ўзига хос вазифалар ҳам бор. Ёшларга ўтмишимиз, бугунимиз ва келажагимиз ҳақида шундай сабоқ, шундай тарбия бериш керакки, уларнинг томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш уриб турсин. Жиззахда халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишларнинг яхши эмаслиги таъкидланди, нуқсон ва камчиликлар кўрсатиб берилди. Бундан барча вилоят халқ таълими бошқармалари, туман бўлимлари тегишли хулосалар чиқариб олишлари лозим. Мактаблар қурилишининг сустлиги, айниқса, ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги борасида халқ таълими бошқармалари жиддий ва режали ишлар олиб боришлари бугуннинг долзарб вазифасидир. Дейлик, келгуси йил ёки беш йилдан сўнг қандай фанлар бўйича қанча кадрлар керак бўлишини билиш ва бу кадрларни тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам истиқбол режасига киритилиши лозим, бўғина эмас, энг асосийси унинг ижроси доимий назоратга олинсагина бу ишнинг натижаси яхши бўлади.

Қисқача қилиб айтиш мумкинки, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари кенгашларининг сессияларида юртбошимиз томонидан айтилган фикрлардан халқ таълими ривожи учун ҳам тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак бўлади. Хулоса чиқариб ололганимиз эса бажарилган ишларнинг натижасида кўринади.

Ҳалим САЙИД.

Туркистон — умумий уйимиз

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ

Тарихдан яхши маълумки, ўзбек ва қозоқ халқлари азал-азалдан бир-бирлари билан дўст, иноқ, оға-ини бўлиб яшашган, ҳамкорлик алоқалари, бордикелдилар ҳеч қачон узилмаган. Ота-боболаримиз бир-бирларини ҳамиша ҳурматлаб, эъзозлаб келишган. Тўй-тантаналар, халқ сайллари қўноқларсиз ўтмаган.

Юртимиз ўз мустақиллигига эришгач, дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янгича мазмун билан бойиди. Марказий Осиёга тегишли кўплаб муаммоларни халқларимиз манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўзаро муҳокама қилиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш каби тадбирлар қисқа вақт ичида яхши анъана тусини олди. Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг ҳар галги дўстона учрашувлари амалий натижалар бераётгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Куни кеча Тошкентда «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси М. Мирқосимов бошқариб борди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Жўра Ғаниевич Йўлдошев ушбу жамиятнинг раиси, ЎзФА вице-президенти, техника фанлари доктори, академик Мирзоян Комилов ҳамда таниқли ёзувчи Носир Фозилов раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

— Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, жамият раиси Ж. F. Йўлдошев барчани бу тарихий воқеа билан қутлар экан, жумладан жамиятнинг мақсади икки давлатда бўлаётган маданий-маърифий янгиликлардан халқни бохабар қилиш, таълим, илм-фан соҳасидаги ҳамкорликда фаолият кўрсатиш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Таъсис йиғилишида сўзга чиққан Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нажмиддин Ескалиев, Қозоғистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар дўстлик жамиятининг раиси ўринбосари Наград Сайхенов, «Қозоғистон — Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси, «Эгемен Қозоғистон» газетасининг бош муҳаррири Элихон Қоржонов ва бошқалар икки ёндош ва жондош халқлар ўртасидаги қадимий дўстлик алоқаларининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қозоғистон Республикаси президентининг халқаро Тинчлик мукофоти лауреати, таниқли ёзувчи Носир Фозилов йиғилиш аҳли олдида сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Мен қозоқ ва ўзбек халқлари дўстлигини бир-бирига қўшилиб кетган икки улкан дунёга, ёнма-ён турган улуғвор тоғ чўққиларига қиёслагим келади. Негаки, ўзбек билан қозоқ аввал ҳам, ҳозир ҳам бир-биридан айри-айри юрган халқлар эмас, айри-айри юролмайди ҳам! Сабаби — уларнинг ери-ери билан, суви-суви билан туташ. Бўйи-бўйига мос, келбати-келбатига дегандек... Менинг ниятим — икки қондош, жондош халқнинг дўстлиги, борди-келдиси, алоқалари янада ривожланиб бораверишига қўлимдан келганича ҳисса қўшиш.

Тадбир сўнггида ижро этилган қозоқ ўланлари, қозоқ қизларининг рақслари қалбларда чуқур из қолдирди. Бу куй-қўшиқлар биз ҳақиқатан ҳам қон-қардош халқлар эканлигимизни, бизнинг санъатимиз ҳам, расм-русумларимиз ҳам, тилимиз ҳам, дилимиз ҳам бир эканлигини яна бир карра исботлади.

Улуғбек АКТАМ ўғли,
ўз мухбиримиз.

Китоб ҳадя этайлик!
2-бет.
***
Услубиёт хонаси ва унинг имкониятлари
3-бет.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

✱ Қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишларидан бири эканлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибида янги — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими таъсис этилди. Президент Фармонига мувофиқ Андижон вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Қобилжон Обидов мазкур лавозимга тайинланди.

✱ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Акмаҳ Холматович Саидов Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига директор этиб тайинланиб, Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод этилди.

✱ Афғонистонда собиқ мудофаа вазири Аҳмад Шоҳ Масъуд ва генерал Абдурашид Дўстум қўшинлари билан толиблар кучлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Дўстумга тегишли ҳарбий ҳаво кучлари Кобулга бир неча бор ҳужум уюштиришган.

✱ АҚШ ҳукумати Ироққа етти миллион доллар миқдорида ёрдам кўрсатажагини ва бу сармоя Ироқнинг курд миллатига мансуб аҳолиси эҳтиёжи учун сарфланиши лозимлигини маълум қилган.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДАН

Истиқлол тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бораётган Ўзбекистон учун бутунлай янги, кенг уфқлар очиб берди. Хусусан, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқида мустақилликнинг ўтган давридаги ютуқлари сарҳисоб қилиниб, янги асрга элтувчи йиллар учун чинакам дастурга айланиб қолган хулосалар чиқарилди, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичдаги муҳим вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Илгари хабар қилинганидек, Олий Мажлис Кенгашининг 2 октябрдаги мажлисида худди ана шу вазифаларни амалга оширишга доир тадбирлар тасдиқланиб, уларни рўёбга чиқариш учун мутасадди комиссия ва унинг ҳузурида махсус ишчи гуруҳлари тузилган эди.

Президент И. А. Каримовнинг олтинчи сессиядаги нутқидан ва Олий Мажлиснинг ушбу нутқ юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифа-

(Давоми 2-бетда).

МММ — ХАБАРЛАРИ

«БОЛАПАРВАР РАИСДАН ХУРСАНДМИЗ»

Бу гапни биз яқинда Амударё туманидаги 28-ўрта мактаб директори Кенжабой Айтбоевдан эшитдик. Гап шундаки, тумандаги «Тўлқин» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Мақсуд Матназаровнинг ташаббуси билан 28-мактабни табиий газ билан таъминлаш учун жамоа хўжалиги маблағи ҳисобидан 420 минг сўм пул ажратилиб, хайрли ишга қўл урилди.

Туман халқ таълими бўлими ҳам бу ишдан ўзини четга олмай, мазкур мактабнинг иситиш тизимини пухта битириш учун 100 минг сўм маблағ ажратди.

«REKTOR KUBOGI»

Kuni kecha ToshDU «YOSHLIK» o'yingohida katta futbol bayrami bo'ldi. Unda bir necha kundan buyon davom etayotgan «Rektor kubogi» turnirining yakuniy bosqichi bo'lib o'tdi. Finalda tarix va huquqshunos-pedagog kulliyoti jamoalari kuch sinashdilar. Uchrashuvning asosiy qismida 2:2 hisobi qayd etilsada, ochkolar hisobi bo'yicha tarixchilar g'olib deb topildi. G'olib jamoaga «Rektor kubogi» va har bir o'yinchilarga 1,5 ming so'mdan pul mukofotlari taqdim etildi.

МУАЛЛИМНИНГ МАОШИГА ҚЎШИМЧА

Чортоқ туманидаги 22-ўрта мактаб адабиёт фани ўқитувчиси Абдуғаффор Ҳамидовнинг маоши бошқа ҳамкасбларникига қараганда 1,5 баробар ортди. Бунга илғор ўқитувчи туманда таъсис этилган Отахон Нарзуллаев номидаги мукофот соҳиби бўлгач эришди. Танловга ўқитувчиларнинг дарс ўтиш усули, синфдан ташқари ишларни ташкил қилиши, жамоа топшириқларини бажариши каби шартлар қўйилди.

ЖАНОБ ЖОРЖ ЛЎФЁР ХОРАЗМДА

Яқинда Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси ёрдамчиси жаноб Жорж Лўфёр Хонқа туманидаги 37-мактабга ташриф буюрди. Ташриф давомида жаноб Жорж Лўфёрга вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мадрайим Жуманиёзов, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти француз тили бўйича методисти Сафарбой Султонов ва бошқалар ҳамроҳ бўлдилар. Жаноб Лўфёр ва бошқа меҳмонлар мактаб ҳаёти билан яқиндан танишиб, француз тилининг ўқитилиши билан қизиқди.

Учрашув сўнгида жаноб Ж. Лўфёр 37-мактабда француз тили фанининг ўқитилишидан беҳад мамнун эканлигини алоҳида таъкидлади.

МУАЛЛИФЛАР: F. ЁҚУБОВ, Х. ABDURAHMONOV. Ў. МЎМИНОВ, З. ЮСУПОВА.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Боши 1-бетда).

ман кейинги йилларда барча соҳаларда қолоқ бўлиб қолди. Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баробар пасайиб кетди. Саноат, қурилиш ривожланмаяпти. Маънавият соҳасида деярли иш қилинмаяпти.

Вилоятнинг бошқа туман ва хўжаликларида ҳам аҳвол яхши эмас. Ўтган йили 29 та хўжалик ёки жами хўжаликларнинг учдан бири 248 миллион сўм зарар кўрди. Бу аҳволда ишчиларга нима ҳисобидан иш ҳақи тўланяпти — буни тушуниш қийин.

Биз ер — бебаҳо бойлик, деймиз. Вилоят деҳқонлари, соҳибкору боғбонлари, бу ҳаётий ҳақиқатни яхши билишади. Ҳамма гап маҳаллий раҳбарларнинг ишни қандай ташкил этишида қолган.

Эътибор беринг: кейинги 3 йил ичида шўрланган ерлар майдони 55 минг гектар кўпайди. Ута кучли шўрланган майдонлар миқдори 2 марта ортди. Бу нима деган гап? Уз илдизига болта уриш, ўз ризқини қийиш эмасми?!

Вилоятдаги иқтисодий заиф хўжаликларга ҳукумат қарори билан йил бошида ички ариқ, зовур ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ҳамда уларни тузатиш учун давлат ҳисобидан 60 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Бугунги кунга келиб, ана шу маблағнинг эндигина ярми ўзлаштирилган, холос. Бундай аҳволни қандай тушуниш мумкин?

Қатъий интизом, юксак талабчанлик, ишда аниқ маромни таъминлаш, қайси тоифада бўлмасин, ҳар бир раҳбарнинг энг муҳим фазилати бўлмоғи керак! Акс ҳолда раҳбар ўзига ишонч билдирган халқни қийин аҳволга солиб қўйиши, мамлакат ривожига тўғаноқ бўлиши ҳеч гап эмас, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг муваффақияти, мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш билан боғлиқ. Худди шу мақсадда давлат хўжаликлари жамоа, ширкат, деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаларига айлантирилди. Бироқ бу ўзгаришлар ҳам вилоятда кутилган самараларни бермаяпти.

Бунинг сабабларидан бири — хўжалик раҳбарларининг ўзи ислоҳотлар моҳиятини тўла тушуниб етмаганидадир. Уларнинг ишни қандай ташкил қилиш, мулкчиликни ривожлантириш ва унинг асосида одамлар манфаатдорлигини ошириш тамойилларини англаб етмаётгани, аксарияти манфаатпарастлик гирдобига тушиб қолгани кишини ранжитади.

Кейинги йилларда техникани сақлаш, таъмирлаш ва ишлатиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Шу йил 1 октябргача вилоятдаги умумий трактор парклари-нинг тайёргарлиги 69 фоиз, шундан ҳайдов тракторларини-ки 47 фоиз, пахта териш машиналарини-ки 66 фоиз бўлган, холос.

Боз устига, бу муҳим ишда кузбуямачиликка йўл қўйилган. Биргина мисол: Сирдарё туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳисоботида 7 та пахта териш машинаси теримга тайёрлиги кўрсатилган. Текширишда бирон-та ҳам техника ишга шай эмаслиги аниқланди.

Техникага муносабатни шу кунларда пахтазорларда ишлаётган пахта териш машиналари сонидан ҳам билса бўлади. Мавжуд 2200 машинанинг 40 фоиздан кўпроғи ёки 800-900 таси ишлаяпти, холос. Уларнинг иш унуми жуда паст. Кейинги уч йилда ҳайдов ва чопиқ тракторлари 5 фоиз янгиланди, холос.

Дон етиштириш ҳажми асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайди. Ҳосилдорлик эса тобора камайиб бормоқда. Ҳорий йилда гектар ҳисобига етиштирилган ғалла ҳосили 16 центнерга ҳам етмади. Ялпи ҳосил топшириқдаги 312 минг тонна ўрнига эса 165 минг тоннани ташкил этди.

Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқ олтин, Ш. Рашидов туманларида гектаридан 11-14 центнердан дон олинди. Бундай қолоқликнинг сабабларидан бири вилоятда уруғчиликка аҳамият берилмаганлигидадир.

Ўтган йили экилган ғалла майдонларига 40 фоиз уруғлик фақат биринчи ва иккинчи нав талабларига жавоб берганлигини қандай баҳолаш мумкин, деган саволни кўндаланг қўйди Президент. Вилоят ҳокими Ғ. Ҳасановнинг шахсан топшириғи билан давлат буюртмасини бажарган хўжалик ва туманларга зуғум қилиниб, уларнинг уруғликка сақлаган сара донлари тортиб олинди.

Натижада илғор хўжаликлар бир килограмм уруғлик ғаллани 7 сўмдан сотиб, 23-28 сўмдан паст навли донни қайтадан сотиб олдилар. Бу эса, биринчидан, ғалла етиштирувчилар ўртасида норозиликнинг пайдо бўлишига, иккинчидан, кейинги йилги ҳосилнинг камайиб, навларининг бузилишига, учинчидан, ғалла мустақиллигига эришиш каби давлат сиёсатининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Ўрим-йиғим пайтида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди. Вилоятда бу мавсум 74 кун давом этди. Қани, айтингчи, ўрим-йиғим қанчалик чўзилса, шунчалик талон-торожликка йўл қўйилмайдими?

Вилоятда кейинги йилларда картошка, сабзавот, полиз ва узум етиштириш ҳам кескин камайди. Ҳосилдорлик паст бўлмоқда. Ўрта ҳисобда боғ ва узумзорларнинг ҳар гектаридан 15, сабзавотлардан 70, полиз маҳсулотларидан 65, картошкадан 50 центнер ҳосил олинмоқда.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида жамоа, ширкат, деҳқон хўжаликларида 3,8 минг тонна сабзавот, 3,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 4,3 минг тонна мева ва узум етиштирилган. Шунча маҳсулотни бир хўжаликда етиштириш мумкин. Шунинг ўзиёқ вилоятда мева ва сабзавот етиштиришнинг қай аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди.

Вилоят аҳолисига истеъмол учун бир йилга 30 минг тоннача картошка керак бўлади. Ер етарли бўлса, бошқа барча имкониятлар мавжуд бўлса, наҳотки вилоят ўз эҳтиёжини ўзи қондиролмаса?! Бу йил вилоят бўйича 150 гектар ердан 600 тонна картошка ҳосили йиғиштириб олинганини қандай изоҳлаш мумкин? 4 тонна картошкани уруғ сифатида ишлатиб, бир гектардан 4 тонна ҳосил олса, буни қандай баҳолаш мумкин?

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сут ва гўшт етиштириш 4 фоиз камайди. Қорамоллар, шунингдек, сигирлар, қўй ва эчкилар бош сони камайтириб юборилди.

Ачинарлиси шундаки, нуқсонлардан тегишли хулосалар чиқарилмаяпти, аксинча, бепарволик ва уқувсизлик натижасида муаммолар тобора чуқурлашмоқда, деди Президент. Бугунги кунда бир бош шартли молга 4,4 озуқа бирлигида ем-хашак тайёрланди. Бу икки ярим ойга етади, холос.

Сессияда қишлоққа саноатни олиб кириш масаласини ҳал этиш ҳам кўнгилни хира қиладиган даражада эканлиги таъкидланди. Бу борада маҳаллий хом-ашёлардан умуман фойдаланилмаяпти. Сўнгги йилларда сабзавот, мева ва узум маҳсулотларини қайта ишловчи кичик-кичик цехлар қуришга киришилган булса-да, улар қувватидан самарали фойдаланилаётгани йўқ.

1993 йили вилоятда 5 та қўшма корхона тузилган. Шу йилга келиб уларнинг сони 17 тага етган. Лекин фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 5 талигича қолган.

Катта шов-шувлар остида Оқ олтин туманида Италия билан ҳамкорликда «Каррера», Гулистон туманида Россия билан ҳамкорликда «Ғолиб» қўшма корхоналари ташкил этилган эди. Бироқ улар ишда изчилликнинг йўқлиги, ташкилотчилик ва ишбилармонликнинг етишмаслиги туфайли фаолият кўрсата олмади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш — иқтисодий тараққиёт негизи. Лекин бу ҳақиқатни вилоят раҳбарлари чуқур англамайди. Шу йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 147 тага, уларда ишловчилар сони эса 10 фоиз камайган. Мавжуд корхоналарнинг 6 фоизигина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаряпти.

Аҳолининг жойлашишига қараганда, мазкур корхоналарни асосан қишлоқларда очиш мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин уларнинг аксарияти шаҳарларда жойлашиб, олиб сотарликдан бошқа фаолият кўрсатолмаяпти. Қишлоқларнинг учдан бир қисмида кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилмаган.

Жорий йилнинг 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 10 фоиз ўсган. Лекин мавжуд корхоналарнинг 33 фоизида ишлаб чиқариш камайган. Натижада 135 миллион сўмлик саноат маҳсулоти кам ишлаб чиқарилган. Гулистондаги ёғ-экстракт заводи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 26 миллион, Сирдарё гуруч заводи 14 миллион сўмга пасайтирган. Ҳар иккала завод маҳсулотлари эса халқ истеъмоли учун жуда зарурдир.

Вилоятда қурилиш ҳажми деярли кўпаймаган. Ҳукуматнинг қишлоқ ижтимоий-иқтисодий инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган қарорининг бажарилиши таъминланмаган. Дастур асосида қишлоқларда умумтаълим мактаблари, уй-жой қуриш, ичимлик сув билан таъминлаш ва газлаштириш йиллик топшириқлари 15 фоизга бажарилган, холос.

Давлат корхоналари негизида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Йил чораклари-да ва охирида ҳиссадорлар ўзларининг сотиб олган акция ва пайларига дивиденд, яъни даромад олишлари керак. Ўтган йили вилоятдаги 174 та ҳиссадорлик жамиятининг бирон-таси ҳам ҳиссадорларга умуман дивиденд бермаганликларини қандай тушуниш мумкин?

Жорий йилнинг дастлабки 9 ойидаги натижалар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ҳиссадорлик жамиятларининг учдан бирида дивиденд берилмаган. Бу ислоҳотларнинг обрўсига путур етказиш эмасми, деган саволни қўйди мамлакатимиз раҳбари.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарда ислоҳотларни амалга оширишда суст-кашлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўсқинлик қоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Мавжуд 210 та ҳиссадорлик жамиятининг фақат 178 таси «Вақт» миллий депозитарийсидан ўтган. Шундан фақат бугунги кунда 73 таси ўз акцияларини сотган. Жойларда шахсий уй қуриш учун ер майдонларини сотиш ишлари суст бормоқда. Вилоятда бу топшириқ бор-йўғи 21 фоиз бажарилган, холос. Айниқса, Гулистон, Бахт шаҳарлари, Гулистон, Сирдарё туманлари ҳокимлари бу муҳим масалага ўта совуққонлик билан қарамоқда.

Совуққонлик булса ҳам бир нави эди, лекин мен бу масалада асосий тўсиқ — жойларда ўтирган томорқа ва уй-жой қурилиши учун ер ажратишга мутасадди раҳбарлар ва ҳар хил «арбоблар»нинг қули нопоклиги деб биламан, деди Президент. Нима, Сирдарёда ер етишмайдими? Бунга ким ишонади?

Тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш учун вилоят «Бизнес-фонди» маблағларини тақсимлашда жиддий хатоларга йўл қўймоқда. 59 миллион сўмлик имтиёзли кредитни фақат Гулистон шаҳри, Боёвут ва Мирзаобод туманлари олган. Нега бошқа туман ва шаҳарлар четда қолди? Буни мазкур ташкилот раҳбари қандай изоҳлайди? Узини нима билан оқлайди?

Вилоятда бюджетнинг даромад қисми бажарилган. Лекин солиқ бошқармаси ходимларининг ишни тўғри ташкил этмаганлиги туфайли қарздор ташкилотлар сони ортмоқда. Ўтган даврда текширилган 1952 объектнинг ярмида солиқ қоидалари кўпол равишда бузилган. Бу ўз навбатида солиқчиларимизнинг янги қонун-қоидаларни ўз вақтида тегишли хўжалик ташкилотларига етказмаётганлигини кўрсатади.

Шу йилнинг 9 ойида Молия вазирлигининг вилоят назорат тафтиш бошқармаси томонидан 290 марта тафтиш ва текшириш ўтказилиб, шундан 71 фоиз ҳолларда 9,2 миллион сўмлик зарар аниқланди.

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш республика ҳукуматининг доимий диққат эътиборида турибди. Лекин Сирдарёда шу йилнинг 9 ойи давомида ажратилган 56 миллион сўм маблағнинг 10 миллион сўми ўз эгаларига етказиб берилмади.

Айниқса, вилоят иқтисодиётидаги боқимандалик кайфияти иқтисодий ҳамда молиявий аҳволни оғирлаштирди, деб таъкидлади Президент. Даромаднинг кескин камайгани туфайли корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2-3 баравар кўпайган. 42 ташкилотнинг тўлов қобилияти йўқлиги аниқланиб, шундан 7 таси банкрот деб эълон қилинди.

Пул эмиссияси ўтган даврда қарийб 71 фоизни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан қарийб 4 марта юқоридир. Меҳнатобод, Сайхунобод, Ш. Рашидов, Мирзаобод туманларида муомалага чиқарилган ҳар 100 сўм пулнинг 85-91 сўми қайтиб банкка тушмаяпти. Натижада нафақа, пенсия ва иш ҳақи бериш муддатлари бузилмоқда. Шу кунгача тўлов муддати ўтган маблағ 800 миллион сўмни ташкил қилади.

Нақд пул тушумини кўпайтириш бўйича амалий ишлар қилинмаяпти. Бунинг сабаблари ўрганилганда, барча савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхона ва шоҳобчаларининг ярмидан кўпида ҳалигача назорат-касса аппаратлари йўқлиги аниқланди.

Кўпгина корхона ва ташкилотларда нақд пулларни банкка топширмай мақсадсиз ишлатиб юбориш ҳоллари кўплаб учрайди.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли талабини тўла қондиролмаяпти. Қишлоқ жойларда бундай шохобчаларни кўпайтиришга эришилмаяпти. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган хизмат турларини кўпайтириш, мавжудларининг бир маромда ишлашини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бир қисмини ана шу соҳага жалб қилиш вилоят ва туман ҳокимликлари эътиборидан четда қолмоқда.

Ёш авлоднинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам етарли даражада эмас. Соғлом, бақувват авлодни тарбиялаб, вояга етказиш ҳукумат диққат марказида турган бир вақтда, кўплаб болалар боғчаларининг ёпиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин? Мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга жалб қилиш қарийб 50 фоиз камайиб кетган.

Кўпчилик мактаблар таъмирга муҳтож. Уларнинг 35 фоизида ичимлик сув, 60 фоизида спорт заллари ва майдончалари, 50 фоизида ошхоналар йўқ. Энг ачинарлиси, кўпчилик мактаблар қошидаги тиббиёт пунктлари қисқариб кетган. 14 ёшгача булган болаларнинг 78 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилганда, уларнинг 50 фоизида турли касалликлар аниқланганига нима дейсиз?

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқларда жойлашган тиббиёт муассасаларига кам эътибор беряпти. Мавжуд қишлоқ шифохоналари, врачлик амбулаториялари, фельдшерлик пунктларининг ярмидан кўпида тегишли шароит йўқ. Соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда маънавий-ахлоқий қадриятларни тиклаш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримизга ҳурмат ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Лекин вилоятда уларнинг бажарилиши маънавият моҳиятини тушуниб етмаган раҳбарлар томонидан тадбирбозликка айлантириб юборилганини қандай тушуниш мумкин, деган саволни ўртага қўйди Президент.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари фаолиятидан (П. Жумаев, Ф. Раҳимов) норозиликлар кўпаймоқда. Одам ўлдириш, босқинчилик, товламачилик, безорилик каби жиноятлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўғирлик, талон-торож қилиш каби қонун бузилишлар кенг тарқалган. Республика ташқарисига товар-моддий бойликларимизни олиб чиқиб кетилишига чек қўйилмаган.

Юқоридаги таҳлил қилинган масалаларнинг ечими, энг аввало, кадрларнинг бошқарувчилик қобилиятига, янгича ўйлаш ва янгича ишлашнинг моҳиятини нечоғлик англаб олишига боғлиқ. Бу борада ҳар доим, ҳамма жойда биринчи раҳбар ибрат ва намуна бўлмоғи керак.

Ана шу жиҳатдан қараганда, вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов йўл қўйилган барча камчиликлар учун жавобгардир.

Вилоятда кадрларни танлаш ва вазифаларга қўйиш ишига эскича ёндашилмоқда. Турли манфаатпарастлик, одамларни шахсий садоқатига қараб танлаш иллатлари кўзга ташланмоқда. Кадрлар қунимсизлигига йўл қўйилмоқда. Сўнгги уч йилда вилоятда 14 та туман ва шаҳар ҳокимларидан 11 таси алмаштирилди. Шу давр ичида хўжалик раҳбарларининг 64 фоизи ўзгартирилган. Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқ олтин (Уролов, Раҳмонов, Қаюмов) туманларида қарийб 100 фоиз хўжалик раҳбарлари алмашган.

Хўш, мана шундай ўзгаришлар қандай натижа берди, деган савол туғилиши табиийдир. Аввало шунга алоҳида эътибор бериш керакки, алмаштирилган янги раҳбарлар орасида 40 ёшгача бўлганлари атиги 12 фоизни ташкил қилади, холос!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек: «ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр» кишиларни раҳбарлик лавозимига — вазифасига тайинлаш учун ёшлар сафидан топиш қийинми?

Чўлнинг қийин шароитида усаётган ва тобланаётган, эл-юртига садоқати ва миллий ғурури баланд ёшлар Сирдарё воҳасида камми? Бундай ёндашишнинг бошқа сабаби борлигини кўпчилик яхши билади. Одамлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Раҳбарлик лавозими — вазифасига ўтказиш, тайинлаш масаласида эскидан қолган сарқит — маҳаллийчилик, уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик иллатлари устунлик қилмоқда. Яна бир сабаб — кўпчилик вилоят, туман раҳбарлари ўзларидан кучлироқ, салоҳияти кўпроқ ёшлар ўсишидан қўрқиб, уларнинг йўлига тўсиқ қўймоқда. Бундай аҳволни тағ-томири билан йўқ қилишимиз даркор, деб алоҳида таъкидлади мамлакатимиз раҳбари.

Шу йилнинг 9 ойи давомида Президент девонига вилоятнинг 640 минг аҳолисидан 515 та хат ва ариза келган. Шахсий қабулда 193 киши бўлган. Хат ва аризалар ва қабулда бўлганлар кадрлар сиёсати, маъмурий-ҳуқуқий қонунчилик ишлари, иқтисодий хўжалик юритишнинг янги усуллари, уй-жой шароитларини яхшилаш соҳаларидаги камчиликлар билан мурожаат қилишган.

Юқорида айтилган камчиликлардан биттагина хулоса бўлиши мумкин: энди имкониятларни чамалаб чиқиб, мавжуд омилларни ишга солиб, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чораларини кўришимиз керак, деди Ислом Каримов пировардида. Зеро, йиллар синовидан ўтган халқ иродаси ҳамма нарсага қодир.

(ЎзА).

Ҳайъат йиғилишида

РЕЖА ИЖРОСИ БИЛАН ТЎКИС

Республикамиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида бу вилоятларда халқ хўжалиги ҳамда саноат соҳаларида йўл қўйилган бир талай камчиликлар баробарида, жумладан, халқ таълими борасида ҳам мавжуд бўлган муаммолар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши кун тартибига ҳам айнан шу масала долзарб қилиб қўйилди. У бўйича халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов ҳисоботи тингланди.

Ҳайъат аъзолари Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кўпгина мактабларнинг авария ҳолатида эканлиги, замонавий компьютерлар билан 50 фоиз мактаблар таъминланмагани, борларининг ҳам 30 фоизи ишламаётганлиги, айниқса, асосий фанлардан ўқитувчилар етишмаётганлиги, ясли-боғчаларнинг кўпчилиги ёпиб қўйилганлиги каби муаммоларни муҳокама қилишди. Бу каби камчиликларга тезда барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди. Шу ўринда мазкур сессияда танқид остига олинган таълим соҳасига оид масалалар ечимини топиш борасида Халқ таълими вазирлигининг аниқ ишларни кўзда тутган тадбирларни белгилаганлигини айтиб ўтиш жоиз. Унга кўра ушбу вилоятлар халқ таълими ҳамда вазирлик бошқармалари раҳбарлари зиммасига аниқ юмушлар бажарилиши лозим бўлган муддатлари аниқ кўрсатилган ҳолда юклатилди. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг иккала вилоят халқ депутатлари кенгашларида сўзлаган нутқи барча таълим муассасаларида ишлаб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиланишига алоҳида урғу берилган.

Жумладан, ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бу масала юзасидан гапириб, нутқларда тилга олинган камчиликлар, вазифалар ҳар бир маориф ходими учун тегишли хулосалар чиқаришга ундашини уқтириб ўтди.

Ҳайъат йиғилишидаги иккинчи масала ҳам айни кунда амалга оширилиши давом этаётган таълим ислоҳоти жараёнининг муҳим босқичларидан бири бўлди. «Таълим муассасаларида халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш аҳволи тўғрисида»ги масала Фарғона вилояти мисолида таҳлил этилди. Вазирлик ўқув ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи С. Алиев ўз ҳисоботида вилоятда бу борада бир талай ишлар қилинганлигини, ўтган ва жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят таълим муассасаларида 3 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилганлигини, аҳолига 55 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилганлигини маҳсулотлар ҳамда хизмат кўрсатиш турлари йилдан-йилга кўпайтирилиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Бироқ шу каби ишларнинг жонланишига ҳамда самарали бўлишига тўсиқ бўлаётган бир қанча сабаблар ҳам борлиги айтиб ўтилди. Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари амалга ошираётган бу борадаги ишлар устидан керакли назоратни ўрнатишмаган. Натижада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоб ишлари юритилмаган. Умумий таълим мактаблари, мактабдан ва синфдан ташқари муассасаларнинг банкларда махсус рақамлари очилмаган. Бу каби камчиликлар таълимга тадбиркорликни олиб киришдан кўзланган мақсадга эришишга, яъни таълим муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашни рисоладагидек йўлга қўйилишига тўсқинлик қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан ҳайъат йиғилиши қарор қабул қилиб, Фарғона вилояти халқ таълими ҳамда вазирликнинг тегишли бошқармалари раҳбарларига аниқ вазифалар юкланди.

Ҳайъат аъзоларининг иккала масала юзасидан ҳам қилган маъруза ва муҳокамаларда асосан ҳозирда белгиланаётган иш режаларини тўла-тўкис амалга ошириш лозимлиги, ўз вақтида бажарилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш кераклиги айтилди. Зеро, бугунги ишни эртага қолдирмаслик ҳар қачон ҳам муваффақият гарови бўлиб келган.

Ташаббус

КИТОБ ҲАДЯ ЭТАЙЛИК!

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини «Ўқитувчилар уйи»га йиғилган фахрий педагоглар билан муҳокама қилганимиз эсимда. Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов ушанда сўзга чиқиб: «Кекса педагогларда ҳозир ҳам ўқиш мумкин бўлган бадиий китоблар бор. Ақл ва билим дурдоналари мактаб кутубхонасига топширилса, кўп савобли иш бўларди», деб таклиф қилдилар. Бу таклиф менга жуда ёқиб тушди.

Эртасигаёқ уйимга келиб, шахсий кутубхонамни кўриб чиқдим. Ниҳоят, 150 га яқин сиёсий, оммавий китоблар, роман, болаларга доир очерк, ҳикоя ва ўқитувчи ҳамда мухбирларга доир ёзилган назарий китоблар бор экан. Шуларнинг ичидан ҳозирда фойдаланиш мумкин бўлган 115-та китобни ўзим ишлаган 24-мактаб кутубхонасига ва 20 та китобни Ибн Сино номли маҳалладаги Аъзамхон Рустамов номли 262-ўрта мактаб кутубхонасига топширдим. Мактабларнинг маъмуриятлари жуда хурсанд бўлиб қабул қилишди. Бошқа педагоглар ҳам бу анъанани давом эттирсалар, қани эди дея тилак билдиришди. Бу тадбир бутун республика мактабларида амалга оширилса, кўп яхши иш буларди. Ниятим — ёшлар ўртасида китобхонлик авж олса.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДАН

(Боши 1-бетда).

лар бажарилишини ташкил этувчи комиссия 31 октябрь куни ўзининг биринчи йиғилишини ўтказди. Унда Комиссиянинг ва ишчи гуруҳларининг аъзолари, вазирлик ва идораларнинг, йирик жамоат бирлашмаларининг, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги раҳбар ва масъул ходимлари, республикадаги етакчи газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Комиссия раиси Э. Халилов очди. У ўз нутқида демократлаштириш йўлидан собитқадам ривожланишнинг юртбошимиз томонидан аниқ-равшан таърифлаб берилган, яқин йилларга мўлжалланган режаларини амалга ошириш республикамиз ижроия органларининг, вазирликлар ва идораларнинг, ҳуқуқ-тартибот органларининг мансабдор шахслари, ҳар бир фуқаро учун шон-шараф иши бўлиб қолиши кераклигига алоҳида урғу берди.

Йиғилишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш режалари устида атрофлича фикрлашиб олинди. Йиғилиш аҳли якдиллик билан эътироф этганидек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш, суд ислоҳотини чуқурлаштириш, қонунчилик механизмини ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси назоратини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш бундан буён ҳам муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Комиссия йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири С. М. Мирсафоев ва бошқа нотиқлар муҳокама этилаётган масалаларнинг аҳамиятини таъкидлаб, ўтказилаётган ислоҳотлар кўламини кенгайтиришга ҳамоҳанг бўладиган талайгина таклифларни ўртага ташладилар.

Олий Мажлиснинг фаолият дастури ҳамда олтинчи сессияда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришга доир тадбирлар яқин уч йилга мўлжалланганлиги учун ҳам Комиссия ўз фаолиятида ҳаёт тақозоси билан кун тартибига қўйилаётган долзарб масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилади ва бу вазифаларни ҳал этишга янгиданянги кучларни жалб этаверади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Ш. Рашидова, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси А. Ғ. Холмуродов, жамиятни янада демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов, қонунларни ишлаб чиқиш механизмини ва қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни такомиллаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. М. Исмоилов, суд ислоҳотини чуқурлаштириш ва одил судлов тизимини демократлаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири С. М. Мирсафоев, ижроия ҳокимиятини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. О. Эшонов раҳбарлик қиладиган бўлди.

Йиғилишдан кейин ҳар бир ишчи гуруҳи алоҳида-алоҳида тўпланиб, қилинадиган ишлар юзасидан кенг фикр алмашдилар ва тадбир-режаларни пухталаб олдилар.

(ЎзА).

Соғлом авлод учун

ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Одамзотга буюк бир хислат — ўз ҳаёт йўлини ўзи қуриш иноят қилинди. Бундан руҳланиб кетган башар авлоди орқа-олдини ўйламай ўша йўлни қуриш ила машғул бўлиб кетди. Яхшини ҳам қураверди, ёмонни ҳам қураверди. Ва ёмонлари кўпайиб, инсоннинг гирибонидан тутганда эса, бир дам ҳайронлик дарёсига чўмди: «Энди нима қилмоқ керак?

Уша иноъом этилган иноятнинг суистеъмол қилинган кўриниши — ОИТС (Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми)дир.

Куни кеча Тошкентда БМТнинг ОИТС бўйича мавзувий гуруҳи ташаббуси билан касалликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни мазкур гуруҳ раҳбари, доктор Т. Ҳетланд бошқарди.

Анжуманда БМТнинг Марказий Осиёдаги мувофиқлаштирувчи вакили Холид Малик иштирок этди ва қатнашчиларга анжуман ишида муваффақият тилади.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Б. Ниёзматов, БМТнинг Марказий Осиё бўйича ОИТС дастури маслаҳатчиси Х. Адамьян, ОИТС касалликлари профилактикаси республика Маркази бош врачи О. Ёқубов, ЮНЕСКО ташкилоти вакили Б. Лайне, ЮНФПА жамғармаси вакили У. Ҳаммаш, Республика тери-таносил касалликлари институти директори Б. Воисов ва бошқалар XX аср ўлати ҳисобланмиш ушбу бедаво дард туғдираётган муаммолар, унинг олдини олиш йўллари ҳақида гапирдилар.

Дарак берилишича, ер юзидаги 600 миллиондан зиёд киши мазкур касаллик вируси билан зарарланган. Гарчи Ўзбекистонда бу касалликка чалинганлар сезиларли бўлмаса-да, хотиржамликка асло урин йўқ.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султоновнинг анжумандаги маърузаси кўпчиликда, айниқса, доктор Т. Ҳетландда катта қизиқиш уйғотди. У халқ таълими тизимида соғлом авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган кўламли ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Вазирлик томонидан «ОИТСнинг олдини олиш ва унинг профилактикаси» бўйича кўламли режа қабул қилинган бўлиб, барча тегишли муассаса ва ўқув юртларига жўнатилган. Халқ таълими тизимида ОИТС бўйича тайёрланган мувофиқлаштирувчи мутахассислар жойларда ҳудудий анжуманлар ўтказишмоқда. Ҳозирги кунда ўқув юртларида «ОИТС куни»га катта тайёргарлик кўриляпти. Бу тадбир «Китобхонлар конференцияси», «Китоблар кўргазмаси» ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

ОИТСга қарши кураш Миллий дастури анжуман иштирокчилари ҳукмига ҳавола этилиб, муҳокама қилинди. Дастурни амалга оширишда вазирликлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги тўғрисида аниқ таклифлар билдирилди.

Асқар ШОКИР.

1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби

ЧИНИҚИШ



Бухорои шарифнинг кўҳна Ғиждувон шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли 1-ўрта мактаб таълимнинг аксарият йўналишларида туманда етакчи ўринда туради. Яқинда бу илм маскани яна бир фидойи инсонни — ўз касбининг билимдони, муаллим Нусратилло Нозимовни кашф этди. Ҳикоямиз қаҳрамони ўзининг ҳалол меҳнатини шу мактабда кўрсатиб, уни мамлакатга танитди, десак янада тўғрироқ бўлар.

Нусратилло ҳақиқий спортчи бўлишни кўнглида тукканида ҳали ўқувчи эди. Аммо у орзуга етишиш учун биргина қизиқишнинг камлик қилишини, бунинг учун яна имконият ҳам зарурлигини англаб етди. Имконият шу маънодаки, у мактабда ўқиб юрган кезларида умуман спорт зали йўқ эди. Шундай зал қуришга кўмаклашиш ниятида у дарсдан бўш вақтларида мактаб ҳовлисида лой қориб, ғишт қуйди. Афсуски, у бошлаган иш чала қолди— мактабни тамомлади.

Эзгу ният кишига йўл ҳам кўрсатади, дейди халқимиз. Нусратулло ана шу йўлни танлаб, Бухоро давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди.

Вақт— учқур от деганларидек, унинг талабалик даври ҳам ўтиб, мутахассислик дипломи билан қадрдон мактабига қайтди. Билагида ёшлик кучи қайнаган Нусратилло чала қолган ишларини давом эттирди. У бошчилигида 1969-71 йиллар давомида мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари жамоаси кўмагида ўз даври учун янгилик бўлган спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Нусратилло ўқувчилигида қилган эзгу ниятини муаллим бўлганида амалга оширди.

Албатта, у таниқли спортчи бўлолмаганидан афсусланмади. Энди машҳур спортчиларни тарбия қилувчи ҳақиқий муаллим бўлишга қарор қилди. Устозлари Юсуф Бектиев ва Хайри Зариповлардан ўқувчиларга сабоқ бериш усулларини ўрганди. Нусратилло Нозимов тарбиялаган ўқувчилар гуруҳлари спортнинг қатор турларидан бир неча йил давомида вилоят биринчилигини қўлдан бермади.

Устоз ўқувчиларини спортга қизиқтира олди. Тўғрироғи, уларнинг юрагига шу қизиқиш чўғини сола билди. Бугун унинг шогирдлари Самижон Сайфиддинов, Илҳом Адизов, Саъдулло Мухторовлар тумандаги турли мактабларда жисмоний тарбия фанидан сабоқ беришмоқда.

Ҳалол ва самарали меҳнатлари эвазига Нусратилло Нозимов 1985 йилда катта ўқитувчи, 1995 йилда эса «Халқ масрифи аълочиси» унвонларига сазовор бўлди.

Яқинда камтарин, фидойи муаллим ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Президентимиз Фармони билан мустақил давлатимиз ёшларга таълим бериш, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтириш борасида кўрсатган хизматлари учун Н. Нозимов 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

Биз устозни юксак мукофот билан табриклаб, у кишининг келгусидаги педагогик фаолиятларига ривож тилаймиз.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Тажриба, синов, натижа

ИЗЛАНИШЛАРИМ ЗОЕ КЕТМАЯПТИ

Математика ва математик таълимнинг ривожланиш даражаси ҳар қандай мамлакатнинг умумий маданияти даражасини кўрсатувчи белгилардан бири бўла олади. Шунинг учун мактабга қадам қўяётган ҳар бир болани тўғри тиббий кўрикдан ўтказиб, унинг қобилиятига қараб махсус гуруҳларга бўлишимиз, шу билан бирга қуйи ва юқори синфлар орасидаги боғланишни мустаҳкамлашимиз зарур. Ушбу боғланишни мен қуйидагича олиб бораман. Аввалом бор синфимга келаётган ўқувчиларимнинг қобилияти ва психологиясини қуйи синфларда дарс таҳлилларига кириб ўрганаман.

Ўрта ҳамда «4» ва «5» баҳоларга ўқиётган ўқувчиларни иккита гуруҳга ажратиб, синф журналидан ташқари алоҳида «улгурмовчи» ўқувчиларга ҳам журнал юритаман. Дарсликларда берилган мисол ва масалалар ҳар бир мавзуда содда ва мураккаб қилиб берилган. Биринчи гуруҳга «улгурмовчи» ўқувчиларни, иккинчи гуруҳга «яхши» баҳоларга ўқиган ўқувчиларни қўйиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ берилади. Масалан, биринчи гуруҳдагилардан содда мисоллар, формулалар, қоидалар, таърифлар суралади ва уйга ҳам шу гуруҳ учун алоҳида мисол ва топшириқлар берилади. Иккинчи гуруҳдаги ўғил-қизлардан эса мураккаброқ мисол ва масалалар, теоремалар (исботи билан) суралади ва уйга ҳам мураккаб мисоллар ва топшириқлар берилади. Шундай мисолни XI синфлардан оладиган бўлсам, логорифмларнинг хоссалари билан келиб чиқадиган формулалардан ўнтасини ҳам ёзиб тушунтириб берса, биринчи гуруҳ ҳам камида 7-8 тасини ёза олади. Гуруҳлар ташкил бўлмасидан олдин 2-3 тадан ошмас эди. Илгари фақат «5» баҳоларга 4-5 ўқувчи ўқийдиган бўлса, ҳозир уларнинг сони 4-10 нафарга етди. Улгурмовчилар йўқ ҳисоби.

Тажриба аввалида синфда 2-5 нафар ўғил-қиз математикага қизиққан бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 11-12 нафарни ташкил этиб, фақат «5» ва «4» га ўқиётган ўқувчилар 20-21 нафар бўлди. Биринчи гуруҳ ўқувчилари орасида фанни яхши ўзлаштираётган иккинчи гуруҳга ўтиш ҳаракати кучайиб бораяпти. Демак, синф болаларини икки гуруҳга бўлиб, уларнинг ҳар бир гуруҳи учун алоҳида режа тузиб ва шу асосида иш олиб борсак, биз юқорида «улгурмовчи» деб атаган болалар илғор ўқувчилар қаторига ўтади.

Бундан ташқари, шу гуруҳлар ўртасида математик кечалар, савол-жавоблар, математик ўйинларни утказиш, математик газеталари мунтазам чиқариш орқали ҳам уларнинг билимларини жонлантириб бораман. Гуруҳлар ўртасида математикадан «Қувноқ стартлар» мусобақаларини ташкил этаман. Бу ишларнинг натижаси ўқувчиларнинг узлаштиришида самарасини кўрсатмоқдаки, илгари улгурмовчи ҳисобланган ўқувчилар ҳозир «4» ва «5» баҳоларга ўқимоқдалар. Айни кунларда улгурмовчи ўқувчилар билан ишлашнинг янги-янги услублари устида иш олиб боришни мўлжаллаяпман. Бу изланишлар келажакда яхши натижалар беради, деган ишонч билан яшаяпман.

Исоқ МАМАРАҲИМОВ,
Самарқанд вилояти
Челак туманидаги
7-мактаб ўқитувчиси.

Ўзбекистон — АҚШ

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Юртимиз истиқлолга эришгач, унинг чет мамлакатлар билан алоқалари янада ривожлана бошлади. Халқаро ташкилотлар иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда ўзларининг умумбашарий ва маданий дастурлари асосида республикамизда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим ва тил ўрганиш бўйича Американинг «Акселс» ҳамкорлик ташкилоти АҚШ ҳукумати томонидан моддий ҳомийликни ўз зиммасига олиб, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таълим ва тарбия дастурини амалда жорий этишга кўмаклашмоқда. «Акселс» ташкилоти ўқувчилар, талабалар ва аспирантлар орасидан иқтидорлиларини танлаб, АҚШга таълим олишга йўллайди. Марказ вакиллари Ўзбекистонда инглиз тилини яхши биладиган иқтидорли болаларга таълим беришга оид бир қанча дастурлар бўйича ҳам иш олиб боришаётир.

Айни кунда мамлакатимизнинг таълим масканларида инглиз тилини яхши биладиган, чуқур ўзлаштирган иқтидорли ўқувчиларни саралаш жараёни давом этаяпти. Инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган 7 — 8-синфларнинг ўқувчилари ўртасида танлов ўтказилмоқда. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти «Акселс» кенгаши ходимлари ўтказмоқдалар. Шу кунга қадар танловлар Наманган, Андижон, Нукус, Урганч шаҳарларида бўлиб ўтди.

Газетамизнинг кейинги сонларида ушбу танлов ҳақидаги ҳисобот билан танишасиз.

У. ЖУМАЕВ.

Олий ўқув юртларида

ТАЛАБА ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ТОПИШИ МУМКИН

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тараққиёт сари дадил қадам ташлаб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрўси кундан-кун ошиб бормоқда.

Хўш, давлатимизнинг эртанги тақдири бўлган ёшларнинг хусусан, талабаларнинг аҳволи қандай? Шу мақсадда мухбиримиз талаба ёшларимизнинг ҳаёти билан қизиқиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг ётоқхоналар маъмурияти директори Адҳам Эргашев билан суҳбатлашди.

— Адҳам ака, аввалам бор ҳозирги кунда Талабалар шаҳарчасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу ҳақда сўзлаб бersангиз.

— Шаҳарчамизда бир неча олий ўқув юртлари ва техникумларнинг талабалари истиқомат қилади. Ёшларимизнинг аксарияти вилоятлардан келиб таҳсил олишади. Улар учун ҳозирги кунда зарур бўлган барча қулай шароитлар муҳайё этилган. Шаҳарчамизда университетимизга қарашли еттита ётоқхонада ҳозирги кунда жами 1600 талаба яшамоқда. Бундан ташқари битта ётоқхона аспирант ва докторантлар, яна битта ётоҳхонада эса оилали ёш мутахассис ва ходимлар яшашади. Ётоқхоналаримизнинг барчаси капитал таъмирдан чиққан. Унда ходимларимиз ва талабаларимизнинг яшаш шароитини яхшилаш, техник ва маиший хизмат кўрсатиш университет ректорати ҳамда Талабалар шаҳарчаси маъмуриятининг доимий назоратида. Университетимиз ҳудудида бичиш-тикиш цехи ҳам ташкил қилинган. Бунда талаба қизларимиз бўш вақтларида ҳунар ўрганиб, қўшимча пул топишлари мумкин.

— Ётоқхонада яшаётган талабаларнинг умумий дам олиши қандай йўлга қўйилган?

Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида тузилган махсус режа асосида турли суҳбатлар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар доимий равишда ўтказиб борилмоқда. Ётоқхоналаримиз ёнгинасида жойлашган 5 минг ўринли стадион, учта қишки спорт павильони ва бошқа очиқ спорт иншоотлари талабаларимиз ихтиёрида. Спортнинг 16 тури бўйича турли секциялар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир ётоқхона учун «Халқ сўзи» , «Маърифат», «Туркистон», «Ишонч», «Тошкент университети» газеталарига обуна қилинган бўлиб, бу вақтли матбуот нашрлари мунтазам равишда олиб турилади. Ундан ташқари ҳар бир ётоқхонамизнинг дам олиш хонаси телевизор билан таъминланган. Ёшларимиз билан доимий равишда таниқли театр арбоблари, санъаткорлар, шоир ва ёзувчиларнинг учрашувларини уюштиряпмиз. Бу тадбирлардан талабаларимиз мамнун. Яна шаҳарчамизда ҳар жума куни «Талаба сайли», яъни талабаларимиз учун текин концерт, спорт мусобақалари уюштириляпти. Бу тадбир ҳозирги кунда талабаларимиз ўртасида оммавийлашиб бормоқда. Хуллас, биз ёшларимизнинг маданий дам олишлари учун қўлдан келган барча ишларни қиляпмиз.

— Ҳозирги кунда стипендия талабанинг яшаши учун етмаслиги табиий ҳол. Бунинг учун талаба ўқишдан ташқари ишлаб қўшимча даромад олиши мумкинми?

— Албатта, мумкин. Биз бу томонларини ҳам пухта ўйлаб қўйганмиз. Университетимиз ҳудудида 3 та кичик корхона фаолият кўрсатади. Шу кичик корхоналарда талаба ёшларимиз ўқишдан бўш пайтларида шартнома асосида ишлаб, пул топишлари мумкин. Бундан ташқари «Миконд» заводи раҳбарияти билан ҳам шартнома тузганмиз. Талабаларимиз ўқишдан бўш пайтларида бу заводда ҳам меҳнат қилишиб, ўзларини моддий жиҳатдан таъминлашяпти.

—Адҳам ака, айтинг-чи, бугунги кун талабасига сиз қандай баҳо берасиз?

— Унчалик эмас. Бугунги кун талабаси билан кечаги кун талабаси орасида катта фарқ бор. Кечаги талабаларимизда шуҳбасиз билимга чанқоқлик кучли эди. Ҳозир ёшларимиз қандайдир боқимандаликка ўрганиб қолгандек назаримда. Лекин ёшларимиздаги бу иллат аста-секин йўқолиб боряпти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Ҳозир баъзи ёшларимизда «меники эмас» деган тушунча ҳали ҳам ҳукмрон. Дейлик, улар ётоқхона жиҳозларига иккинчи кўз билан қарайдилар. Ахир талаба учун ётоқхона иккинчи уй ҳисобланади-ку?! Улар онгига «меники» деган тушунчани сингдириш керак. Биз таълим бераётган, тарбиялаётган авлод эртами-кечми ўз мевасини беради. Мен бунга ҳақли равишда ишонаман. Зеро, Ўзбекистон келажаги бахтли ёшлар қўлидадир.

Суҳбатдош
Хайрулла ЖУМАЕВ.

СЎЗ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар Назир Тўрақулов номидаги 283-мактабда она тилимизга бағишланган анжуман бўлди. Уни мактаб директори Бахтиёр Назаров кириш сўзи билан очди.

Тил байрамида мактаб ўқувчилари ўзларининг севимли шоирлари Анвар Обиджон ва Турсунбой Адашбоев, ёш ижодкор Рустам Мусурмон билан учрашдилар. Шоирлар она тилимизнинг муқаддаслиги, унинг гўзалликлари, рангбарангликлари, тил одоби ва сўз санъати ҳақида сўзладилар. Ушбу мулоқот мушоирага ва қизиқарли мунозарага уланди. Шоирлар болаларга аталган шеърларини ўқидилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Ўқувчилар дунёқараши сўзнинг қудрати, бадиий ижодда сўз масъулияти, адабиёт ва ҳозирги адабий жараён тўғрисидаги таассуротлар билан бўлишди.

Ўз мухбиримиз.

Ўқув юртлари ишбилармонлари

ЧАМАНТЕПА ДЕСАК ҲАМ БЎЛАВЕРАДИ

ЁХУД БИР ТЕХНИКУМ ЖАМОАСИНИНГ ЧАЁНТЕПАДА БУНЁД ЭТГАН БОҒИ ХУСУСИДА

Чаёнтепа Қумқўрғон туманининг ҳозирги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги ташландиқ бир дара эди. Илонлару чаёнлар макон айлаган бу тепалик атрофига онда-сонда чўпон-чуликлар ўз отарларини ҳайдаб боришмаса, бу ерларга инсон қадами ҳам тегавермасди. «Хоннинг ишқи қурбақанинг кўзига тушибди» деганларидек, Хушвақт ака Валиев ҳам Чаёнтепа дарасини бир кўрди-ю, ундан кўнглини сира узолмай қолди... «Асрлар оша ишлатилмасдан етган тупроғи унумдор, кенг-мул майдон. Жойи бир оз нотекис, паст-баланд ерлар. Бироқ текисласа булади, меҳнат қилиш керак... Сувни Сурхондарёдан кутариб чиқариш керак. Насос керак, қувур керак... Майли нима булгандаям зур жой, шу адирни техникумга оламан. Жамоамиз аҳил, ернинг тилини биладиган одамларимиз кўп. Техника воситаларимиз ҳам, қўл кучимиз ҳам старли...».

Турли-туман расмий қоғозлару керакли рухсатномалар тайёрланиб 1983 йилнинг кузида 76 гектарлик Чаёнтепа дараси Қумқўрғон туманида жойлашган Сурхондарё гидромелиорация техникуми ихтиёрига берилди.

Масъулиятнинг катта булаги бари бир яна техникум директори Хушвақт ака Валиев зиммасига тушди. У ўзи кутарган ташаббусни ниҳоясига етказиш, Чаёнтепани чаман тепага айлантириш орзусида тумандан тортиб вазирликкача нуфузли раҳбарларни ўз ҳолига қўймай, «бузчининг мокиси»дек югуриб-елди... «Интилганга толе ёр» деганлари ҳақ гап экан. Ишлар юришиб кетди. Биратўла 3 та кетма-кет сувни кутариб берувчи насос ўрнатилиб, 12 километр масофадан 125 метр пастликда оқиб ётаётган Сурхон суви чаёнтепага олиб келинди.

Сув билан бирга Чаёнтепага ҳаёт келди. Шу йилнинг ўзидаёқ анчагина ерга полиз ва сабзавот экинлари экилиб, доимий ишловчи ходимлар биркитилди. Асосий эътибор ходимларга шарт-шароит яратиш, меҳнат шароитини ташкил этиш, паст-баланд ерларни текислаш каби масалаларга қаратилди.

Бу дунёда «вақт» деб аталувчи машинани тўхтатиб турувчи қудрат яралмаган. Кунлар ортидан ойлар, ойлар ортидан йиллар ўтиб кетаверди... Қаранг, Чаёнтепада иш бошланганига ҳаш-паш» дегунча роппа-роса 13 йил вақт ўтиб кетибди. Аммо бу ўтган йилларнинг ҳар бири Чаёнтепа тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзса буладиган йилларидир. Бу муддат ичида Чаёнтепа том маънода узгари, боғу-бустонга айланди.

Қумқўрғон тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Марзия опа Исмоилова бизни Чаёнтепага бошлаб келдилар. Биз ажойиб, тиниб-тинчимас раҳбар, уста боғбон Хушвақт ака Валиевни ҳам шу ерда учратдик. Хушвақт ака ўта камтарин, ўзига бино қўймаган, ажойиб инсон эканлар. У киши бизни Чаёнтепада бунёд этилган боғ билан таништирдилар...

Гирд атроф бепоён чўл. Чўл ўртасида шоҳи сўзана мисол 76 гектарлик майдонда техникум боғи ям-яшил тусда гуллаб турибди...

Инсонда беқиёс улкан яратувчанлик мужассамлашган буларкан. Унинг қўли теккан саҳро ҳам кун ўтиб бир кун гулзорга айланар экан. Бир пайтлар ҳувиллаб ётган Чаёнтепани энди бир куринг. Роппа-роса 7 гектарлик майдондаги анорлар ҳосилининг кўплигидан шохларини кутариша олмайди. Халқимиз орасида «Хурмо жаннатнинг меваси» деган гап бор. Ривоят қилишларича, ҳатто хурмони танаввул қилган кишига ҳам савоб битилармиш. Хурмони экиб вояга етказган кишига қанчалар савоб тегишини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг. Чаёнтепадаги 3 гектар майдонда хурмозор ҳосилини кўрсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. 2 гектар майдонда ток, яна 2 гектар ўрикзор, 1,5 гектар шафтолизор, ҳар бири бир гектарлик беҳизор ва ёнғоқзорларнинг ҳосили бу йил мўл.

Техникум жамоаси бу йил 30 гектарлик майдонда сара бугдой етиштирдилар. «Қули текканнинг оғзи тегади». Жамоанинг барча аъзоларига моддий ёрдам сифатида юз килограммдан бугдой тарқатилди. Ғалладан бўшаган майдонга иккинчи экин — мош экиб парваришланмоқда. Чаёнтепада парваришланаётган 10 гектар майдондаги ғўзанинг ҳам, 2 гектар майдондаги ерёнғоқнинг ҳам, ўн минг тупдан ортиқ ёнғоқ қўчатларининг ҳам, катта майдондаги қовундан тортиб ловиягача — ҳамма-ҳаммасининг ривожи авжида.

Чаёнтепада бу йил яна иккита қўшимча тармоқ ташкил этилибди. Тиниб-тинчимас жамоа аъзолари бу йил 20 оила асалари, 40 бош қўй сотиб олишибди.

Келгуси йил насиб бўлса, илм масканимизнинг ташкил этилганига 30 йил, ўзимнинг директорлик фаолиятимга эса 20 йил тулади, — дейди Хушвақт ака. — Қуриб турибсизлар, насиб бўлса, бу йил боғимиздан яхши даромад оламиз. Ана шу даромад ҳисобидан шу ерда бир йўла 50 нафар талабамиз дам олиб, даволанадиган «соғломлаштирувчи оромгоҳ» бунёд этмоқчимиз.

Катта жамоага раҳбарлик қилиш, илм масканида сабоқ олаётган 521 нафар талабага жамоада адолат тошини тўғри ўрнатиш, уй-рўзғор, бола-чақа ташвишлари, яна бунинг устига Чаёнтепани чаманга айлантириш ташвишлари... Булар бир инсонга кўплик қилмайдими?

Ростми, Хушвақт акага ич-ичимдан ҳавасим келди. Илоё, Аллоҳ таоло Хушвақт акадан ҳам, унинг жамоа аъзоларидан ҳам кўч-қуватини дариг тутмасин.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида бошқарув тушунчаси кенг маънога эга. Жумладан, бу тушунчани таълимнинг қайси соҳасига боғламайлик, йўналтирмайлик, умумхалқ манфаатларига мосликни кўрамиз. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида бошқарув тизимини ташкил этиш ҳақида шундай деб ёзиб қўйилган: «Давлат тасарруфидаги таълим муассасасига бевосита раҳбарлик мудир, директор, ректор ёки бошқа раҳбар томонидан амалга оширилади».

Халқ таълими бўлимларининг услубиёт хонаси бошқарувда қандай иштирок этади? Умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга услубиёт хонаси қай тарзда ёндашади? Мухбиримизнинг тўрт вилоят, тўрт туман халқ таълими бўлимларининг услубиёт хонаси мудирлари билан ўтказган давра суҳбатида худди шу мавзуда баҳс юритилди.

Давра суҳбати қатнашчилари Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтининг курси тингловчиларидир. Фарғона вилояти Ёзёвон тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири Маъмуржон МАМАРАСУЛОВ, Коғон шаҳар ХТБ услубиёт хонаси мудири Мисриддин МАЪМУРОВ, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ХТБ услубиёт хонаси мудири Олломурод ХЎЖАНОВ, Қашқадарё вилояти Муборак тумани ХТБ услубиёт хонаси мудири Ёрқул ҚЎЙЛИЕВлар гурунгда иштирок этишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди.

Бошқарув шохобчаларида

УСЛУБИЁТ ХОНАСИ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

МУХБИР: — Бошқарув тизимида услубиёт хонасининг қандай роль ўйнашини жуда яхши биласизлар. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан уртоқлашсак.

Мисриддин МАЪМУРОВ: — Биз малака ошириш курсида бошқарувнинг назарий асосларидан дарслар, машғулотлар тингляпмиз. Ва шу олган билимларимизни тажриба билан мувофиқлаштиришимиз керак. Халқ таълимидаги барча вазифалар юқоридан қўйига бериладиган қурсатма, буйруқ, қарор ва фармонларни ишлаб чиқиш билан амалга оширилади. Республика халқ таълими вазирлигининг барча ҳужжатлари — уставлар, низомлар, концепциялар аввал вилоят ХТБларига, вилоятдан эса туманларга етиб келади. Туман халқ таълими бўлими эса уларни ўз ҳудудидаги мактабларга, мактабдан ташқари муассасаларга, болалар боғча-яслиларига тарқатади. Қарор ва буйруқлар негизида ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида тайёрланган жавоб хатлари яна қуйидан юқорига жавоб хати сифатида юборилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтилди. Услубиёт хонаси бу вазифани амалга оширишда бош-қош. Яъни бу кундалик асосий йўналишлардан бирига айланган. Бизда методистлар тўққиз нафар, таълим муассасалари ўн учта. Масофалар эса жуда яқин. Шунга яраша, таълим жараёнида амалга оширилиши лозим булган вазифалар унчалик мушкуллик туғдирмайди.

Маъмуржон МАМАРАСУЛОВ: — Услубиёт хонасининг имкониятлари жуда кўп. Методистларга юклатилган вазифалар ундан-да кўпроқ. Улар барча фанларнинг ўқитилишига аралашадилар. Туманимизда услубиёт хонасининг иши 6 та асосий вазифага сингдирилган. Булар, биринчидан, ёш ва тажрибасиз ўқитувчилар билан ишлаш, иккинчидан, илғор тажриба мактабларини аниқлаш, учинчидан, ҳудудий ва туман бўйича утказиладиган семинарларни ташкил қилиш, тўртинчидан, танлов ва тадбирлар ўтказиш, бешинчидан, илғор тажрибаларни ўрганиб, оммалаштириш, олтинчидан, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш. Қўриб турибсизки, ана шу 6 та муҳим вазифа услубиёт хонасининг йиллик, ойлик, ҳафталик, кунлик режалари учун ниҳоятда мосдир. Ана шу ишларни оғишмасдан ва секин-асталик билан амалга ошириш бошқарув тушунчасининг ҳаётий ифодаси бўлса керак.

Олламурод ХЎЖАНОВ: — Жуда тўғри таъкидладингиз. Халқ таълими соҳасидаги вазифалар қанчалик серқирра ёки мураккаб бўлиб туюлмасин, сиз айтганингиздай уларни бир ипга тизиш мумкин. Услубчи бўлиб ишлаш ҳам, уларнинг етакчиси бўлиш ҳам осон эмас.

Шеробод тумани ҳудуди кенг. 47 та умумтаълим мактаби мавжуд. Ҳужаликлар, қишлоқларнинг ораси 50—70 километргача боради. Бу эса имкониятларни анчагина қисқартиради. Бизда раҳбарлик услубий ёрдам кўрсатиш билан омухта бўлиб кетган. Ҳар бир фан бўйича шуғулланадиган методистларимиз бор. Туман халқ таълими бўлимида ҳар бир фаннинг ўқитилиши бўйича циклограмма ишлаб чиқилган. Ойнинг учинчи ҳафтасида методистларимиз илғор тажриба мактабларига боришади. Мактаблар қошида штатсиз методистларимиз ҳам бор. Илғор тажриба мактабларини аниқлаш ҳам услубиёт хонасининг ишидир. 1995-96 ўқув йилида 20 нафар ўқитувчининг иши туман бўйича, 10 нафар ҳамкасбимизнинг педагогик тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилди.

МУХБИР: — Тажрибалар қай тарзда оммалаштирилганлигига аниқлик киритсангиз?

О. ХУЖАНОВ: — Оммалаштиришнинг бир талай усуллари мавжуд. Китобча, буклет, стенд усуллари. Бундан ташқари, бизда туман «Зангори экран»и ишлаб турибди. Унда тажрибакор ўқитувчининг иши курсатилади.

Ё. ҚУЙЛИЕВ: — Муборак тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонасида 8 нафар методист хизмат қиляпти. Бизда шундай тажриба қўлланилмоқда. Аввало, услубиёт хонаси мудири билан методистлар орасида ўқув йилининг бошида шартнома тузилади. Шартнома методистнинг ўз уқуви, лаёқати ёки бўлмаса имкониятлари билан боғлиқ бўлиши керак. Мусинф ўқитувчисини қайта тайёрловдан ўтказишди.

М. МАЪМУРОВ: — Чиндан ҳам услубчининг иш кунлари самарасиз кетмаслиги керак. Биздаги асосий вазифалардан бири ҳам янги ўзбек алифбосидан боғлиқ эканлигини таъкидламоқчиман. Қўлланмалар тарқатилди, лекин дарс беришда муаллимларимиз анча қийналиб қолишяпти. Чунки қисқа муддатлик қайта тайёрловдан ўтказиш бирдан самара бермас экан. Биз ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида мактабларда ота-оналар курсини ташкил қилмоқчимиз. 1997 йилнинг январь ойидан бошлаб 1-синфда ўқийдиган болаларнинг ота-оналари учун курс очиш ниятидамиз. Чунки боланинг уқувини, билимини ривожлантиришга ота-она ҳам ҳисса қўшиши керак. Ота-оналаримизнинг кўпчилиги эса ҳали янги ўзбек алифбосидан тўлиқ хабардор эмаслар.

М. МАМАРАСУЛОВ: — Услубчилар ҳақида гап кетар экан, уларга етакчи булиб ишлайдиган киншига ҳам осон тутиб бўлмайди. Услубиёт хонасининг мудири ташаббускор, тажрибали, дунёқараши кенг киши бўлсин. Ана шундагина у таълим муассасаларига доир вазифаларни белгилашда, амалга оширишда қийналмайди. Ёзёвон ҳудуди асосан далаю даштлардан иборат туман. 11 нафар методистнинг вазифаси тақсимлаб берилган. Ҳар ҳафтанинг душанба куни режалар белгиланади. Кейинги ҳафтанинг биринчи куни эса услубчиларнинг ахборотлари тингланади. Ҳар икки ойда эса услубиёт хонасининг кенгаши чақирилади. Тадбир ва танловларни бизда тез-тез ўтказиш расм булиб қолган. Туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан туман радиосида «Устоз» номли турким эшиттиришлар ташкил қилинди. Унда энг яхши мураббийлар ҳақидаги радиоҳикоялар бериб бориляпти.

О. ХУЖАНОВ: — Услубиёт хонасида шўъбалар фаолиятини йўлга қўйдик. Болалар боғчаларида хорижий тилларни ўрганиш бўйича тадбир ишлаб чиқиб, 13 та боғчада шу ишни йўлга қўйишга муваффақ бўлдик. Мактабгача тарбия муассасаларида «Соғломжон —полвонжон» мусобақалари галма-галдан ўтказиляпти.

М. МАЪМУРОВ: — «Соғлом авлод учун» дастурига доир тадбирлар ҳам услубиёт хонасининг иш таркибига киради. Коғон шаҳридаги мактабларда ана шу дастурга мувофиқ байрам кунлари белгиланган. Бу иш босқичма-босқич, яъни 1—3, 4—6, 7—9, 10—11-синфларда алоҳида-алоҳида кунлари амалга оширилади. Турли спорт ўйинлари билан давом этадиган бу тадбирни услубий бирлашмамиз ишлаб чиққан эди, мактабларга жуда маъқул тушди.

МУХБИР ХУЛОСАСИ: Бу борада яна кўп гапирилди, фикрлар айтилди. Услубиёт хонаси ва унда ишловчиларнинг вазифаси ҳам кам эмас экан. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 2 соатча давом этган давра суҳбати, албатта, унинг иштирокчиларига «нимадир» берди. Улар бир-бирларини тингладди, ўрганишди, фикр алмашишди. Бошқарувни такомиллаштириш учун малака оширишга келган услубиёт хонасининг мудирлари, табиийки, етарли назария билан ўз иш жойларига қайтадилар, фаолиятларида янгиликларни қўллаб қурадилар, деб умид қилиш мумкин.

Давра суҳбати тафсилотини оққа кўчирувчи Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

ВАЛЮТАГА ТОВАР СОТИШ — мамлакат ички бозорида конвертирланадиган чет эл валютасига мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган ва хориждан келтирилган товарларни сотиш; чакана савдонинг янги шакли. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун валюта тўплаш заруратидан келиб чиққан: валютага мол сотиш билан махсус фирмалар ва савдо уйлари шуғулланади.

ВЕКСЕЛНИ ХАТЛАБ ОЛИШ ПРОЦЕНТИ, векселни ҳисобга олиш проценти — банк-вексель, қимматбаҳо қоғозларни хатлаб олиш вақтида оладиган ҳақ. Қимматбаҳо қоғозларнинг номинал қиймати билан векселни сотиб олишда банк тўлайдиган сумма миқдори ўртасидаги айирмага тенг. Масалан, номинал нархи 100 минг сўм, муддати 3 ойда тугайдиган вексель сотиб олинса, банк вексель сотувчига 97 минг сўм тўлайди. Бу ҳолда хатлаш проценти 3 минг сўмни ташкил этади ва хатлаш проценти ставкаси 12% га тенг бўлади /3/100:3x12x100/. Ғарбда кенг тарқалган.

ВЕКСЕЛЬ (нем. wechsel — айирбош) — муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати; қимматбаҳо қоғоз. Унинг оддий (қарздор томонидан тўлдирилган) ва ўтказма (қарз берувчининг қарзни қачон ва кимга қайтариш ҳақидаги ёзма буйруғи) шакллари бор. Ўтказма вексель (тратта) айниқса халқаро ташқи савдода кенг тарқалган. Ўтказма вексель эгаси трассант, вексель бўйича қарздор трассат деб юритилади. Векселнинг амал қилиш муддатини чўзиш вексель пролонгацияси деб аталади. У қонунга мувофиқ ёки қарздор ва қарз берувчининг ўзаро келишувига кўра расмийлаштирилади.

ВЕКСЕЛЬ БЎЙИЧА КАФИЛЛИК — қ. Аваль.

ВЕНЧУР КОРХОНАЛАР — кичик бизнеснинг бир тури, илмий-муҳандислик ишлари, янги техника, технология, товар намуналарини яратиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш. Улар таркибида тижоратда воситачи бўлган корхоналар ҳам бўлади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида иш кўриб, фан, техника тараққиётига ҳисса қўшади.

ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШ — воситачи корхона ва ташкилотлар ёрдамида молиявий маблағ топиб ишлатиш. Воситачи фирмалар маблағга муҳтож корхоналарга пулдор шерик ёки қарз олиш манбаини топиб беради. Венчур молиялаштириш юз берганда воситачи ўз хизмати учун ҳақ олади. МДҲда ҳам ҳар хил воситачи фирмалар ташкил топмоқда.

ВИНДИКАЦИЯ (лат. windicatio) — мулк эгаси(даъвогар)нинг ўз мулкини шу мулкка қонунсиз эгалик қилаётган ҳар қандай учинчи шахсдан суд орқали талаб қилиши.

Боши ўтган сонларда.

Давоми бор.

Ўқитувчилар ижодидан

ЮЛДУЗЛИ КЕЧА

Чидолмай айрилиқ— ҳижрон дастига,
Етолмай севгани — қуёш васлига,
Бўйнидан маржонин юлиб отди ой.

ВИСОЛ

«Чўлп» этган майин бир овоздан чўчиб,
Ой кетди булутлар ортига кўчиб.

Насим ТОҒА,
Иштихон тумани.

МАНЗАРА

Кўзимдан оҳулар сувлар ичади,
Кўксимда эрийди айрилиқ доги.
Тун бўйи тўлғониб мени қучади,
Мудҳиш хаёллларнинг совуқ қучоғи.

Силкиниб-силкиниб сўйлайди юрак,
Юрагим эзилиб тинглайман мен ҳам.
Меҳру оқибатдан бўлмаса дарак,
Наҳотки кулбамда тунаб чиқса ғам?

Мен бугун бир ғамгин хаёллар билан,
Торга қўл узатсам илашибди най.
Эмраниб-эмраниб чалдиму, лекин
Фақат уни тинглаб чиқди тўлин ой...

Ҳусан ЭШМУРОД,
Деҳқонобод тумани.

***

Ўттиздан ошяпман,
Бу оламда йўқ эдим...
Хайрият яшяпман—
Мен Чўлпонни ўқидим.

***

Сиз яхшисиз, бир яхши,
Мани ўзим ёмон, ёр.

Юзингиз ойдек порлоқ,
Ўзганики туман, ёр.

Йўлингизда жон фидо
Эй қошлари камон, ёр.

Ўзгага ўқ отмангиз
Мен бўлайин нишон, ёр.

Висолингиз дардида
Рангуруйим сомон, ёр.

Жонимқулга раҳм этинг,
Қолса зора омон, ёр.

Жонимқул ТЎРАЕВ,
Яккабоғ тумани.

Бахтли болалик.

Янги нашрлар

«ЁЗУВЧИ»

Октябрь ойининг сўнгги кунида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт Тарғибот маркази муассислигидаги «Ёзувчи» газетасининг нишона сони чоп этилди. Хўш, ушбу газета қандай эҳтиёж туфайли юзага келди? Бу саволга Ўзбекисттон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов «Истиқлол саодати» деб номланган суҳбатида жумладан шундай деди: «Пайдо бўлаётган янгидан-янги бадиий асарларни чоп этиш, уларни ўз ўқувчисига етказиш, китобхонлик сифати ва даражасини ошириш билан боғлиқ вазифалар ҳам шундай нашр юзага келишининг сабабларидандир. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми — суюкли фарзандларимиз мактабларда таҳсил кўрадилар. Болаларимизнинг маданий, адабий, бадиий иқтидори ва тафаккурини шакллантириш, тарбиялаб вояга етказиш, аввало ўқитувчи-тарбиячиларнинг, ота-оналарнинг, қолаверса, ёзувчи-шоирларимизнинг умум ишидир. Биз адиблар эртанги кун адабиёти ўқувчиларини тарбиялашни уйлар эканмиз, бу ишни мактаблардан бошлаш лозимлигини унутмаслигимиз зарур. Ҳар қандай адабиёт ўз ўқувчиси ҳақида қайғуришга ҳам бурчлидир».

Демак, янги нашр маълум маънода биз билан ҳаммаслақдир. Буни Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳам таъкидлаб айтадики: «Янги газета мафориф ходимлари ва ижодкорларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди ҳамда ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. У ижодкор ўқитувчиларимизнинг ҳам минбарига айланади».

«Ёзувчи» халқимиз орасида ўз ўқувчиларини топа олишига ишонамиз.

Миллий Тикланиш

ҲАМКОРИНГИЗ БЎЛСИН

Обуна—97

Биз қадим миллатмиз. Бизнинг тарихимиз Ўрхун — Энасой битикларидан-да аввал бошланган. Бизнинг тарихимиз— юксалишлар, инқирозлар, ғалабалар, муваффақиятлар, мағлубликлар, эсанкиришлар, лоқайдликлар, ватанпарварликлар тарихидир. Бизнинг тарихимиз буюк аждодларимиз, истиқлол йўлида шаҳид бўлган қурбонлар тарихидир. Бизнинг бугунимиз эса, ниҳоят бир асрдан ортиқроқ давом этган истибдод занжирларидан қутулиб, мустақил ҳуқуқий — демократик, фуқаролик жамияти, келажаги буюк давлат бунёд этиш жараёнидир. Бу жараён миллатимизнинг ҳар бир фуқаросига ва табиийки, энг аввало зиёлиларимиз зиммасига масъулият ва бурч юкловчи жараёндир.

Шу маънода ўтган йилнинг июнь ойидан нашр этилаётган бўлишига қарамасдан, аллақачон ўз ўқувчилари, мухлислари, қизиқиш доирасига эга бўлиб улгурган «Миллий тикланиш» газетамиз миллатнинг тикланишига, қад ростлашига сабаб бўладиган омилларни тезлаштиришдек эзгу юмушга озми-кўпми ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Агар эътибор берган бўлсангиз, муҳтарам ўқитувчимиз, Миллий тикланиш демократик партиясининг дастурида халқ таълими тизими соҳасига алоҳида эътибор берилган. Партиянинг яқиндагина бўлиб ўтган пленумида ҳам бу масала борасида жўяли, залворли фикрлар билдирилди, кишида мулоҳаза уйғотадиган таклифлар ўртага ташланди. Айниқса, халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошевнинг миллий таълим борасидаги маърузаси партия аъзоларида чуқур таассурот қолдирди.

Бизнинг газетамиз таълим-тарбия, ёш авлоднинг истиқлол ғояларига садоқат, миллатпарвар, ватанпарвар бўлиб етишувида устоз-мураббийларнинг ўрнига алоҳида аҳамият беради.

Иқтисод билан маънавият — тараққиётнинг қўш қаноти, ҳеч қачон бири иккинчисидан айри ҳолда яшай олмайди: иқтисодсиз маънавият йўқ, маънавиятсиз иқтисод. Бугун, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтилаётган айни кунларда муҳтарам Президентимизнинг маънавиятга алоҳида эътибор бериши, бу ҳақда махсус фармон қабул қилиши бежиз эмас, албатта. Маънавият ижодкорлари, унинг шакл-шамойилини, моҳиятини бунёд этувчилар эса сиз, азиз ўқитувчиларсиз...

«МТ» ўз саҳифаларида ёритаётган турли мавзулардаги мақолалар ўқитувчи ва ўқувчи, устоз ва шогирд дунёқарашининг кенгайишига, улар билим савиясининг ошаётганига хизмат қилаётгани бизни қувонтиради. Зотан, янги истиқлол ғояларига ҳамоҳанг ўқув дарсликлари чиқариш, уларни ўқувчилар қўлига етказиб бериш узоқ вақт талаб қиладиган жараён. Бундай пайтларда истеъдодли, изланувчан мураббий ўзига керакли маълумотларни вақтли матбуотдан, газета-журналлардан олиши табиий бир ҳол. Бунинг устига иқтидорлилар мактаби, лицейлар, гимназиялар, коллежлар, қолаверса, олий ўқув юртларида ўқиётган ўқувчилар ва талабаларнинг савияси яхшиланиб бормоқда, улар Шарқ билан баробар Ғарб тилларини ҳам ўрганиб, дунё янгиликларидан бохабар, ўз нуқтаи назарларига эга бўлмоқдалар.

Хуллас, миллатнинг гули ҳисобланмиш зиёлилар билан ҳамкорлигимиз 1997 йилда янгича руҳда давом этади, деган умиддамиз. Бу мулоқот эса, ўз-ўзидан аёнки, газетамиз саҳифалари орқали кечади.

Албатта, демократик давлат тамойилларига мос равишда, ҳар бир фуқарода ўзи истаган нашрга обуна бўлиш имконияти бор. Аммо, бизнинг назаримизда, «МТ»га обуна бўлган муштарий янглишмайди. Биз газетамизда изчил равишда ёритиб бораётган «Маърифат манзили», «Фалсафий гурунглар», «Бугун ва истиқбол», «Одам ва олам», «Маънавият қирралари» сингари қатор рукнларимизда қизиқарли мақолалар чоп этишни давом эттирамиз. Шунингдек, янги йилдан бошлаб бир туркум янги рукнлар остида ҳам қизиқарли чиқишлар эълон қилишни режалаштириб қўйганмиз.

Жойларда обуна қизғин давом этмоқда. Сотувга кам миқдорда чиқаётган «МТ»ни дўконма-дўкон қидириб юрмайин десангиз, келгуси 1997 йил учун газетага ўз вақтида обуна бўлишни унутманг! Газетага мамлакатимизнинг исталган ҳудудида обуна бўлиш мумкин. Обуна нархи қиммат эмас— бир йилга 350-400 сўм атрофида.

Обуна индекслари: якка шахслар учун 64618, ташкилотлар учун 64619.

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА,
«Миллий тикланиш» тахририяти аъзоси.

Хулгас...

ЕР ҚАЪРИДА ҲАЁТ БОРМИ?

Дунё олимлари зўр бериб, Марсда ҳаёт борлигини исботлашга уринаётган бир пайтда британиялик олимлар ер шари қаъридан ҳаёт изламоқда. Маълум бўлишича, бир қатор Англия университетлари лабораторияларида бактериялар устидан сирли тажрибалар ўтказаётган олимлар ҳозирда Атлантика океани тубини ковлаб, 4 минг километр чуқурликдан номаълум бактерияни топишган. Тажрибанинг илк натижаларига кўра у ер юзидаги «қариндош»ларидан тузилиши жиҳатидан бутунлай фарқ қилар экан. Бристоль университетида махсус камерада катта босим остида сақланаётган «меҳмон»ни парчалаш устида олимлар баҳслашишмоқда. Шу пайтгача инсон билан муносабатда бўлмаган бу бактериянинг қанақа балоларни келтириб чиқариши тортишувларнинг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда.

СОМОН ЙЎЛИДАГИ «ҚОРА ТУЙНУК»

Унинг борлигини исботлаш учун далиллар сўнгги 20 йил ичида немис астрономлари томонидан йиғилиб келинмоқда. Бироқ улар «қора туйнук»нинг мавжудлигини деярли исботлашган бўлса-да, бу исботларини тасдиқлашга шошилишмаяпти. Макс Планк физика ва астрофизика институти олими Райнхард Гензель охирги далилларнинг ишончлилигини таъкидлаб, «қора туйнук» атрофидаги борлиқни ўз ичига тортиши ҳамда юқори зичликка эга эканлигини ва ҳатто ўзидан нур ўтказмаслигини айтмоқда.

ИССИҚСЕВАР ПИНГВИНЧАЛАР

Шу пайтгача янги туғилган пингвинчалар олти ойдан сўнг ўз ота-оналари маконини тарк этиб, беш йилдан сўнггина улар бағрига қайтиши маълум эди. Лекин улар не сабабдан ҳижронни ихтиёр этишлари ҳануз-топишмоқ бўлиб келган. Бу топишмоқнинг жавобини яна ўша тиниб-тинчимаган америкалик олимлардан бири —Жеральд Куймэн топди. У пингвинчалар танасига радиотўлқин узатувчи кичик мослама ёпиштириб, улар билан «алоқа» ўрнатиб турди. Уч ойдан сўнгги натижа эса шов-шувга сабаб бўлди. Жеральд ўз кузатув объектларини — пингвинчаларни ватанидан 2845 километр узоқликдан топди. Улар ота-оналари яшаётган музликлардан анчагина илиқ бўлган сув бўйларида яшаб қайтишар экан.

ана шунақа гаплар.

ТЎЗОН

(ҳикоя)

— Йўқ. Ҳеч нарса. Кеча ошга ҳаражат қилай деб бозорга борувдим. Узимизнинг Қўқон бозорига-да! Ўғлингиз қўлида бир даста пул кўтариб қайгадир шошилиб кетаётгандек туюлди. Ҳайрон бўлдим. Ё ўзингиз...

Шу пайт аллақачон пасайишни бошлаган шамол яна бирдан кучайиб, бугун чойхона теварагини чанг-тузон билан астойдил савалашга тушиб кетди. Ичкаридан туриб атрофни кузатганча чойхоначининг ҳалиги гапларига нима деб жавоб қилишни билмай утирган Алиқўзи эса, баттар тундлашди. Доим ўзи шунақа. Бунақа қаттиқ шамол, кучли селлар сира яхшилик келтирмайди. Ё қаердадир электр сими узилади, ёки бўлмаса, кимнингдир томини учириб кетади...

— Ассалому алайку-ум! — қаердандир қўққисдан пайдо бўлиб қолган Пирмат полвон (уни мактабда жисмоний тарбиядан дарс бергани учун, бунинг устига ўзиям шеркелбат булганидан шундай деб чақиришарди) чанг тулиб кетган сочларини сал нарироққа бориб силкита-силкита Алиқузи ва Мардонқул оқсоқ билан сурашиб, сурига утирди.

— Мардонқул ака, шамолни сиз чақирганмидингиз чойхонага? — ҳазиллашиб қўйди Пирмат полвон, — жонивор нақ учириб кетай дейди-я!

— Э-э, гапирманг. Буям полвоннинг яна битта сурони бўлса керак-да, ҳа-ҳа-ҳа! — Мардонқул оқсоқ ўзининг ҳазилидан роса мириқиб кулди-да, тезда уларнинг чойини янгилаб бергач, бошқа мижозларни баҳона қилиб нари кетди.

— Хўш? Домла, соғлигингиз қалай, соғлигингиз? — Алиқузидан астойдил ҳол сурай кетди Пирмат полвон.

— Шукур, бир нави. Узингиз омонмисиз?

— Раҳмат. Мен-ку, умуман олганда дурустман. Ҳамма қатори ишлаб турибман. Лекигин, сизга нима бўлдиа, домла? Пенсияга чиқдим деб бизлардан бутунлай кечворишакан-да-а?..

— Гапингиз тўғри. Бироқ, очигини айтсам, кейинги вақтда сал мазам йўғроқ. Шунга...

— Э, худо сақласин, худо сақласин. — Алиқузининг гапини илиб кетди Пирмат полвон. — Ҳа, энди одамзот ёш бат талашаётган пиёнисталарга ўхшаб бир-биридан утаман дейди. «Сел буладиганга ўхшайди, — кунглидан утказди Алиқузи, — Яхшиси, уйга тезроқ етволган маъқул». — У Пирмат полвондан узр суради-да, қассобга чиқиб келишни баҳона қилиб шошилинч дастурхонга фотиҳа ўқиди...

Алиқузи оёқ ҳам у ёқда қолиб, бошида тусатдан пайдо бўлган кучли оғриқдан уйга қандай етиб келганиниям билмай қолди. Шу лаҳзада еру осмон баравар зувиллаб айланаётганини, ҳозир йиқилиб тушишини ҳис қилиб турса ҳам, иложи борича қаддини кўтариб олишга уринар, хаёли эса айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Аксига олиб ҳовлидаги узи бир вақтлар қийналиб сиқталиб катта қилган биттагина олма дарахтининг энг катта шохини шамол упириб кетибди. Атроф ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. «Эсизгина! Нақ юрагига урибдия! Бу болага неча марта айтдима! Тиргак қўйгин, тагин синиб кетмасин деб. Шуниям қулоқ олмади ярамас. Аслида ҳамма айб ўзимда. Шу арзимаган ишни ўзим қилиб қўйсам ҳам бўларди», — ўзича гудраниб қўйди Алиқузи. Хотини бўлса, ўтган сари тобора нозиклашиб боровраркан. Ишқилиб, соғомон кўришиб турсак бўлди-да! Бизларга шунинг ўзи катта бойлик...

— Айтганингиз келсин, — оғир тин олиб жавоб қилди Алиқузи.

— Ҳа, айтгандай, — Пирмат полвон бир нима эсига тушгандай тусатдан яна гап бошлаб қолди. — Акмалжон яхшими ўзи?

— Акмалжон? Ҳа-а юрибди. Нимайди, — хавотирланиб суради Алиқузи.

— Сураётганимнинг боиси у кураш тугарагимизни энг олдийди. Анчадан бери негадир машғулотларга қатнашмаяпти. Суриштириб кўрсам, бошқа дарсларгаям кирган йўқакан. Ўзим ҳам би-ир уйларингга бориб келмоқчи бўлиб юровдим. Тинчликми, домла?

Алиқузи жавоб бермади-ю деразадан ташқарига қаради. Шамол ҳалиям босилмабди. Устига-устак момақалдироқ билан чақмоқ ҳам худди дўконда навортиқ кўрар, қачон қараса, эркалатгани — эркалатган, алқагани-алқаган эди. Ҳеч эсидан чиқмайди. Энасининг иккитагина сигири бўларди ушанда. Эна-бола икковлари ҳар куни эрта тонгданоқ далага ўт тергани чиқиб кетишарди. Энаси бир зумда қўлидаги этакларни тўлдириб, учларини аранг боғлаб оларди-да, Алиқузига кўтартириб қўярди. У кечгача энаси терган ўтларни ташиб кун ўтказарди. Кечқурунлари энаси, Алиқузини тиззасига ўтказволиб қизиқ-қизиқ эртаклар айтиб берар, топишмоқлар ўргатармиди-ей... Энасининг айтганини қилиб у сира ёмон бўлгани йўқ.

— Вой-бу, вой улиб қўя қолай! Шўрликкина олма, бечора-ей! Ҳали битта мевасиниям оғзимизга солмай туриб утин бўлса-я! Энди нима қиламан? — шангиллаган товушдан Алиқузи сесканиб орқасига ўгирилди. Сал нарида майда-чуйда тула халтани аранг кўтарганча хотини кириб келарди. Алиқузининг хотини аслида жуда очиқ кунгил аёл. Қуринишидан оқсариқдан келган, озгинроқ, лекин ўта чайир. Иягининг ўртасида чиройли кулдиргичи бор. Шунинг учунми кўп кулади. Сариққа мойиллиги эса, жаҳлиниям, қувончиниям дарров юзига опчиқиб қўяверади. Ана шу одати, айниқса, Алиқузининг жони-дили.

— Ҳой, дадаси, нима бало, бир ерда қоти-иб қопсиз? Кулимдаги «зорманда»ларни олмайсизми мундай? Уйда экансиз-ку! Чақиравериб томогим қирилиб кетди-я! Яхшиямки, бу кишига неча мартадан тавалло қилиб кетганман. Йўқ. Рўзғорга қараш қаёқда? Ана шу устунга суянволиб ўй суриш бўлса бўлди.

— Мунча вайсамасанг? Менам нима қилай? — хаёл аралаш сўз қотди Алиқузи.

— Одамни юраги шунчалигам тор буладими-а? Бўлар-бўлмасни ҳадеб ичингизга соловрасизми? Биззиям уйланг-да мундей! — Хотини йиғлагудек бўлиб жаврай-жаврай ошхонага кириб кетди. Алиқузи эса, ортиқ ҳеч нарса деёлмади. Нима десин? Яна уша эски гапларни қўзғасинми? Шунча қуйиниб бир нарсага эришган бўлса экан, ҳалиям навбатчиликдан қайтмабди, шекилли...

«Наҳотки менинг болам ўғри, мунофиқ бўлса? — айвон устунига суянганча талмовсирарди Алиқузи. — Менинг авлод-аждодимда бўлмаган эди-ку бунақаси! Энди нима деган одам бўлдим? — У куюна-куюна у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Шу тобда Алиқузи ўзининг жудаям узоқларда қолиб кетган ёшлигини энтикиб-энтикиб эслагиси келарди...

Ҳа-а. У ота-онасидан жуда эрта етим қолган бўлсаям ҳар ҳолда сира нолимайди ўтмишидан. Негаки, ҳеч қачон туз берган кишининг юзига «туф»лаб қочмаган. Бўлмаса, ҳайҳотдай ҳовлида энаси икковларигина яшашган. Энаси туладан келган, анча кексайиб қолган бўлсаям бақувват, ҳеч қанақа ҳасса-пассани тан олмайдиган ўжар кампир эди. Меъёрдан ортиқ ҳазил-ҳузулни ҳам унча хуш кўрмасди. Бунақа пайтда дарров жиддий тортиб қоларди. Аммо, Алиқузини жониданам алам қилмайди. Қолаверса, хотинигаям осонмас. У бечора нима кўрибди турмуш қуриб, бола катта қилиб? Худони берган куни ташвиш, икир-чикир. Йўқ. Ҳар ҳолда хотини ҳақ. Узиям жа-а қуюшқондан чиқиб кетяпти, шекилли, кейинги вақтда. Одамга сал бепарволигам керак-да!..

Алиқузи секин ўрнидан қўзғалиб синган шохни судраганча бир четга олган бўлди-ю яна худди ҳеч нарса кўрмагандай ошхона тарафга қараб юрди. Ошхонада хотини идиш-товоқ, супур-сидирга аллақачон кўмилиб кетибди. «Афсус, — кунглидан утказди у, — тоза чукибди шурлик. Аслида роса уйнабкуладиган пайтида бошига дунёнинг бор ғамини уйламайнетмай ортмоқлаб қўйиш инсофданмас. Бироқ ҳалиги нарсаниям, барибир аниқлаволиш керак-да! Шундай қолдириб бўлармиди буни». — Алиқузи хотининнинг ҳаракатларини бир зум кузатиб тургач, босиқлик билан суради:

— Онаси, яқин орада Акмални хонасига кирдингизми?

— Вой, ҳар куни кираман, тозалайман. Нимайди? — Нам кўлларини сочиққа артаркан, ҳайрон бўлиб сўради хотини.

— Ундай бўлса, хонада яп-янги магнитофон, яна алламбало нарсалар пайдо бўп қопти. Уларни биз олиб бермовдик чамамда. Қаёқдан келдийкин?

— Менга қаранг, сиз отасиз, — энди кўлларини белига тираб олиб, астойдил «ҳужум»га ўтди хотини, — бирон марта кунглига қараб гап гапирганмисиз? Насиҳат қиганмисиз? Бунинг ўрнига қачон қараса, сўкканингиз-сўккан. Мен у нарсаларни кўрганимминан қулимдан нима келарди? Балки, эшитиб турай деб бирор ўртоғидан олгандир? Балки совға қилишгандир?

— Ўзи қаёқда юрибдийкин?

— Билмайман. Ҳозиргина ишдан қайтганимни ўзингиз кўрдингиз-ку.

— Кўряпсизми? Сизам қизиқмаяпсиз бола билан, — тутоқиб кетди Алиқузи. — Ҳозир балки қайдадир бемаза болаларга қўшилиб ошиқ тепаётгандир? Балки, бозорда чунтак кесиб юргандир? Ҳа-а, бу болалардан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Айтганча, Акмал анави Ҳожи буқоқнинг ўғли Самадминан ўртоқмасмиди?

— Ҳа, ўртоғи уша. Нимайди? — Алиқузи хотинининг бу саволига ҳеч нарса демай, бир зум бошини қашиб турди-да, кучага чиқиб кетди.

Самад чиндан ҳам Акмалнинг энг яқин ошнаси. Буйи сал ўсмайроқ қолгану аммо семизлигидан худди бўғирсоқнинг ўзгинаси. Бироз дудуқланиб гапиришини ҳисобга олмасангиз, жуда эпчил бола. Бирон бир каттароқ одам келиб тилини топиб олса борми, ҳар қанақа ишниям дўндирворади. Лекин, баъзи одамларга ҳеч тушуниб бўлмайди-да! Ҳожи буқоқ доим ичиб, қачон қараса, кўчаларда юмаланиб юргани учунми, ўғлининг шу кичкина нуқсонини ҳам ароқнинг касофати деб ўйлашади...

«Ҳозир бораман-да, иккивиниям ахтариб топаман, — деб ўйлади Алиқузи. — Улар барибир нима иш қилса ҳам бирга бўлишади. Ишқилиб, аччиқ устида шапалоқ тортиб юбормасин-да!»

У Самадни топди, лекин унчалик қаттиқ тегиб ўтирмади. Сал ўдағайлаб, пуписалагандан кейин у Акмалнинг қаердалигини кўрсатишга рози бўлди-қўйди.

«Қара-я, ҳаммасининг тили битта. Бир-бирининг қаерда юрганигача билади. Сир сақлаганига бало борми яна?» — кунглидан ўтказди Алиқузи.

Олимжон ХАЙИТ.
(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

Спорт

КАТТА МАЙДОНГА ЙЎЛ

Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти томонидан касаба уюшмалари фаоллари ўртасида қизиқарли футбол мусобақалари ўтказилди. Бу мусобақаларда 10 дан зиёд тармоқ касаба уюшма марказий қўмиталари, Тошкент шаҳар ва вилоят касаба уюшмаси кенгашлари жамоалари иштирок этдилар.

Беллашувларда газетамизнинг таъсисчиларидан бири — Таълим ва фан ходимлари Марказий қўмитаси жамоасининг фаол иштироки эса биз учун, айниқса, қувонарли ҳолдир. Улар финал мусобақасида жуда яхши ўйин кўрсатиб, фахрли 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Аммо, бу ўз-ўзидан содир буладиган қувонч эмас-да! Ғалаба нашидасини суриш йўлида қанчалаб машаққат, азоб-уқубат, ташвишу изтироб ётади, ахир! Бироқ, нима бўлганда ҳам мазкур жамоада ўзаро ҳамжиҳатлик, бирлик, меҳр-оқибат, қолаверса, юксак интилиш борлигини уларнинг яхши кўрсаткичлари яқ-қол исботлади, десак янглишмаймиз.

Мусобақа ниҳоясида ғолибларни Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Х. Жамолов, Узбекистон касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти раиси В. Бойко табриклаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Мухбиримиз.

Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти контракт тизимига ўтиш муносабати билан қуйидаги лавозимлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Педагогика назарияси ва жаҳон таълимини ўрганиш бўлимига бўлим мудири (педагогика фанлари доктори), бош илмий ходим (фан доктори — 2), катта илмий ходим (фан номзоди — 1).

2. Жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва психология, дефектология ўқитиш назарияси ва методикаси бўлимига бўлим мудири (фан доктори, номзоди), етакчи илмий ходим (фан доктори — 1).

3. Тасвирий санъат ва мусиқавий таълим назарияси ва методикаси бўлимига катта илмий ходим (фан номзоди — 1).

4. Тарих ўқитиш назарияси ва методикаси бўлимига бўлим мудири (фан доктори, номзоди), бош илмий ходим (фан доктори — 1), катта илмий ходим (фан номзоди — 1).

5. Хорижий тиллар ва адабиёти назарияси ва методикаси бўлимига катта илмий ходим (фан номзоди — 3).

6. Физика, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси бўлимига бош илмий ходим (фан доктори — 1).

7. Биология, химия, иқтисодий таълим ва география ўқитиш назарияси ва методикаси бўлимига катта илмий ходим (фан номзоди — 1).

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 66, Олмазор кўчаси 174-уй, 31-хона.

Тел: 45-66-45.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Нарбатчилар:Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Асқар ШОКИР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Ґ.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.